

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

“ТЕХНОЛОГИЯ” ФАКУЛЬТЕТИ

“МЕНЕЖМЕНТ” КАФЕДРАСИ

1-МЖ-12 гуруҳ талабаси
Эркаева Гулчехра Эсонбой қизи
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: Қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожланишида инвестицияларнинг аҳамияти
(Чуст тумани мисолида)

Илмий раҳбар:

Т.Дадабоев

Наманган-2016

Аннотация

Эркаева Гулчехра Эсонбой қизининг Қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожланишида инвестицияларнинг аҳамияти (Чуст тумани мисолида) мавзусидаги битирув малакавий ишида Мамлакатимизда Қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожланишида инвестицияларнинг аҳамияти буйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг биринчи бобида иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда инвестицияларининг моҳияти ва аҳамияти, иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий ўзгартириш жараёнларида хорижий инвестицияларнинг ўрни ва аграр соҳага инвестициялар жалб қилишнинг ҳуқуқий асослари ёритилиб берилган.

Битирув малакавий ишининг иккинчи бобида Наманган вилояти Чуст тумани иқтисодиёти инвестиция сиёсатини юритиш ва ундан фойдаланиш муаммолари, Наманган вилояти Чуст туманининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили таҳлили қилинган.

Битирув малакавий ишининг учинчи бобида Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш жараёнида қишлоқ хўжалиги тармоғига инвестициялар жалб қилиш ва қишлоқ хўжалигига жалб қилинаётган инвестициялар ва уларнинг йўналишлари бўйича таклиф ва тавсиялар келтириб ўтилган.

Хулоса қисмида мавзуга оид фикрлар умумлаштирилган ва тадқиқот натижалари асосида тавсиялар ишлаб чиқилган.

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакат аҳолисининг истеъмол буюмларига ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни қондириш энг аввало агросаноат мажмуаси ва бу мажмуанинг асоси бўлган қишлоқ хўжалиги тармоғининг ривожланиш даражасига боғлиқ. Бугунги кунда қишлоқ хўжалигига инвестицияларни жалб этиш иқтисодиётимизда рўй бераётган ислохотларнинг таркибий қисмидир. Айни модернизациялаш шароитида бундай ислохотларнинг кўлами янада кенгайиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиши тармоқда мавжуд бўлган ишлаб чиқариш воситалари оқилона тарзда такрор ишлаб чиқарилишини талаб этади. Бу жараён ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш, қайта таъмирлаш, қуриш, инновацион ҳамда ижтимоий муносабатлар йиғиндисидан ташкил топади.

Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида инвестициялар сарфланиши объектив зарурият ҳисобланади. Чунки тармоқни устувор шаклда ривожлантириш учун унинг моддий-техника базасини мустаҳкам равишда барпо этиш зарур. Бунинг учун уни замонавий бино-иншоотлар, барча турдаги зарур техникалар, қишлоқ хўжалик механизмлари, ички ирригация ва мелиорация иншоотлари, серунум, тезпишар навлар, зотли, маҳсулдор ҳайвонлар ҳамда айланма воситалар ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш лозим.

Призидентимиз И.А.Каримов «...мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш борасида бажарилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойиқ.

2015 йилда ана шу мақсадларга барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 15 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилди ва ўзлаштирилди. Бу 2014 йилга нисбатан 9,5 фоиз кўп демакдир. Жами инвестицияларнинг 3 миллиард 300 миллион доллардан зиёди ёки 21 фоиздан ортиғи хорижий инвестициялар бўлиб, шунинг 73 фоизи тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларидир.

Инвестицияларнинг 67,1 фоизи янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилди. Бу эса 2015 йилда умумий қиймати 7 миллиард 400 миллион доллар бўлган 158 та йирик ишлаб чиқариш объекти қурилишини якунлаш ва фойдаланишга топшириш имконини берди.

Бир сўз билан айтганда, 2016 йилда иқтисодиётимизни ривожлантириш, модернизация қилиш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш учун 17 миллиард 300 миллион доллар қийматидаги инвестициялар йўналтириш, уларнинг ўсиш суръатини 109,3 фоизга етказиш белгиланган. Ана шу инвестицияларнинг 4 миллиард доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил қилади, бу 2015 йилга нисбатан 20,8 фоиз кўпдир.

Шу борада муҳим бир масалага эътиборингизни алоҳида жалб этмоқчиман. Яъни, илгари тушимизда ҳам кўрмайдиган инвестициялар, аввало, чет эл инвестицияларини иқтисодиётимиз тараққиётига жалб этар эканмиз, биз аввало, шулар ҳисобидан хориждан олиб келадиган техника ва технологиялар замон

талабига жавоб берадиган энг юқори даражада бўлиши шарт»¹ деб таъкидлаганлар. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича жуда катта ва арзигулик ишлар қилинди. Мулк муносабатлари шакллантирилди, кўп укладли, мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган турли корхоналар вужудга келди, улар мақсадга мувофиқ фаолият кўрсатишлари учун ҳуқуқий асослар яратилди, кадрлар тайёрлашнинг замон талабларига жавоб берадиган тизими шакллантирилди.

Қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш, уни дунё талаблари даражасида ташкил қилишни таъминлаш бу соҳага фан ва техника ютуқларини кенг жорий этишни тақозо қилади. Бунинг учун кадрлар турли шаклдаги корхоналарни ташкил этиш ва бошқаришнинг илғор усулларига, иқтисодий қонунлар бозор иқтисоди шароитида амал қилишининг ўзига хос хусусиятларига асосланган ҳолда корхона фаолиятини чуқур таҳлил қилиш, ҳулосалар чиқариш ва қарорлар қабул қилиш йўллари ва усулларини билишлари керак.

Шу жиҳатдан ҳам мустақилликка эришилгандан сўнг қишлоқ хўжалигида кўп укладли иқтисодиётни шакллантиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратишга алоҳида эътибор берилди. Натижада бозор тизимини ривожлантиришга йўналтирилган қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ушбу қонунлар асосида қишлоқ хўжалигида хусусий мулкка асосланувчи фермер ва деҳқон хўжаликлари пайдо бўлди ва ҳозирда аграр иқтисодиётни ривожлантиришда ўз мавқеларини мустаҳкамламоқда. Лекин, қишлоқ хўжалигида инвестицияларни жалб этиш ва улардан фойдаланишни рағбатлантиришнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириб бориш талаб этилмоқда. Бу муаммоларнинг илмий асосланган ечимини топиш ҳозир давлатимиз томонидан қўйилган асосий талаблардан биридир.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, қишлоқ хўжалигида инвестицияларни жалб этиш ва уларни бошқаришда, бунга доир қонунларни амалиётга жорий этишда ташкилий, иқтисодий ҳамда ҳуқуқий масалаларда бир қатор муаммолар борлиги белгиланди. Ушбу жараёни самарали ташкил этиш, пайдо бўлаётган муаммолар ечимларини илмий асослаш, ислоҳотларнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий жиҳатларини такомиллаштириб бориш зарурияти пайдо бўлмоқда.

Шунинг учун ҳам, республикамізда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижаларини ҳар томонлама илмий ўрганиш қишлоқ хўжалигида инвестицияларни жалб этиш асосида деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш, уларни моддий-техник воситалар ва ер билан таъминлаш борасидаги муаммолар ечимлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш зарурияти ушбу танланган мавзунинг долзарблигини ифодалайди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ хўжалигига инвестицияларни жалб этиш ва уларни бошқариш масалалари жаҳоннинг таниқли иқтисодчилари томонидан ўрганилган. Масалан, Л.Брилий, Ғ.Книгт, Л.Епстейн Р. Майерс, М.Кеннеч, М.Моррис каби олимларнинг бу борадаги салоҳиятли илмий ишларини алоҳида эътироф этиш зарур.

¹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. // Халқ сўзи. 16 январь, 2016 йил.

Россиялик иқтисодчилардан Э.С. Хазанович, А.М.Ажлуни, А.В.Моисеев, Нешиной А.С.Кожухар, В.М.Ендовицкий кабиларнинг илмий ишлари инвестицияларни жалб этишга аталган бўлиб, уларни қишлоқ хўжалигига киритиш масалалари ҳам у ёки бу даражада кўриб чиқилган.

Ўзбекистонда бу борадаги тадқиқот ишларини иқтисодчи олимлардан Д.Ғ.Ғозибеков, А.В.Вахабов, Ш.Х.Хажибакиев, Н.Г.Муминов кабиларнинг илмий ишларида кўриш мумкин.

Аммо шунини таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалигида инвестицияларни жалб этишда даврга хос муаммолар юзага келмоқда. Бу эса ҳар-бир ҳудуд шароитларидан келиб чиққан ҳолда ечим топишни талаб этмоқда. Ушбу муаммолар ечимларини топиш қишлоқ хўжалигида инвестицияларни жалб этиш ва уларни бошқариш борасидаги тадқиқотлар доимий равишда давом этиши ва такомиллашиб бориши ҳамда бу борада илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш зарурлиги ушбу мавзунини тадқиқот учун танлаб олишга асос бўлди.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг асосий мақсади иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида қишлоқ- хўжалигида инвестицияларни жалб этиш ва ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Ушбу қўйилган мақсадни амалга ошириш учун битирув малака ишида қуйидаги вазифалар ҳал этилди.

– иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда инвестицияларнинг моҳияти ва аҳамиятини назарий асослаш;

– иқтисодиётини модернизациялаш ва таркибий ўзгартириш жараёнларида хорижий инвестицияларнинг ўрнини ифода этиш;

– Аграр соҳага инвестициялар жалб қилишнинг ҳуқуқий асосларини аниқлаш ва ўрганиш;

-- қишлоқ хўжалигига инвестицияларни жорий этишнинг манбалари, уларнинг сарфланиш йўналишлари ўрганиш;

– Чуст туманининг ижтимоий иқтисодий ривожланишини таҳлил этиш;

– Чуст туманида қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ва инвестицияларни жалб этиш амалиётини тадқиқ этиш;

– Чуст тумани қишлоқ хўжалигида инвестицияларни жалб этишдаги муаммоларни аниқлаш ва ўрганиш;

– Қишлоқ хўжалигига жалб қилинаётган инвестициялар ва уларнинг йўналишлари бўйича мулоҳазалар юритиш;

– Қишлоқ хўжалиги соҳасига жалб қилинадиган инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлик омиллари ўрганиш;

– Фермер хўжаликларида инвестицияларни жалб қилиш орқали экспорт салоҳиятини ошириш йўллари бўйича ишланмалар яратиш ва таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти. Қишлоқ хўжалигида инвестицияларни жалб этиш ва такомиллаштириш тизими тадқиқот предмети ҳисобланади.

Тадқиқот предмети. Чуст тумани қишлоқ хўжалигида инвестицияларни жалб этиш ва уларни бошқаришнинг амалдаги тизими.

Тадқиқотнинг услубий асослари ва усуллари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг инвестицияларни жалб этишга оид асарлари; қишлоқ

хўжалигини ривожлантиришга доир Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари ва меъёрий ҳужжатлари; қишлоқ жойларида инвестицияларни жалб этиш бўйича чет эллик ҳамда маҳаллий олимларнинг илмий асарлари; республика миқёсида нашр этилаётган иқтисодий йўналишдаги журналлар ва рўзномалар ташкил этади.

Тадқиқот жараёнида иқтисодий таққослаш, монографик ўрганиш, мантикий фикрлаш, статистик гуруҳлаш ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилди.

Битирув малака ишини ёзиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Республика Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Наманган вилояти Иқтисодиёт бошқармасининг статистик маълумотларидан кенг фойдаланилган.

Битирув малака ишининг таркиби Битирув малака иши кириш, 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлардан ташкил топган.

1.БОБ. Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда инвестицияларнинг моҳияти ва аҳамияти

1.1. Иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий ўзгартириш жараёнларида хорижий инвестицияларнинг ўрни

Мамлакатни ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ривожланишида инвестицияларнинг жумладан, хорижий инвестицияларнинг аҳамияти каттадир. Маълумки, ҳар қандай давлат дунёдан ажралган ҳолда жаҳон тажрибаларини ўрганмасдан, дунёнинг етакчи давлатлари илм, фан ва техника соҳасида эришган ютуқларини қабул қилмасдан ривожланиши мумкин эмас. Ўзбекистон иқтисодиётида чуқур иқтисодий ислохотлар, таркибий ўзгаришлар амалга оширилар экан, хорижий инвестициялар ривожисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада Призидентимиз И.А.Каримов «...бир сўз билан айтганда, 2016 йилда иқтисодиётимизни ривожлантириш, модернизация қилиш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш учун 17 миллиард 300 миллион доллар қийматидаги инвестициялар йўналтириш, уларнинг ўсиш суръатини 109,3 фоизга етказиш белгиланган. Ана шу инвестицияларнинг 4 миллиард доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил қилади, бу 2015 йилга нисбатан 20,8 фоиз кўпдир. Шу борада муҳим бир масалага эътиборингизни алоҳида жалб этмоқчиман. Яъни, илгари тушимизда ҳам кўрмайдиган инвестициялар, аввало, чет эл инвестицияларини иқтисодиётимиз тараққиётига жалб этар эканмиз, биз аввало, шулар ҳисобидан хориждан олиб келадиган техника ва технологиялар замон талабига жавоб берадиган энг юқори даражада бўлиши шарт»² деб таъкидлаганлар.

Глобаллашув жараёнига қўшилиш бу дунёнинг етакчи давлатлари билан ҳамкорликда бўлиш, ижтимоий иқтисодий ва сиёсий соҳадаги давлат сиёсатининг ўзаро манфаатли асосда бу давлатлар сиёсатига мос келишидир. Замонавий жаҳон иқтисодиёти учун инвестиция фаоллиги ва жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг кучайиши муҳим аҳамият касб этади. Ривожланаётган мамлакатлар ва бозор иқтисодиётига утиш даврини бошидан кечираётган давлатларнинг халқаро меҳнат тақсимидаги роли ортиб бораётганлиги ҳам унга ижобий таъсир кўрсатади.

Шунингдек, глобаллашув жараёнига иқтисодиётни эркинлаштириш, илмий-техника тараққиётининг тезлашиши, ракобатнинг кучайиши ва бошқа бир қатор омиллар ҳам ҳосдир.

«Чет эл инвестициялари» туғрисида Ўзбекистон Республикасининг (1998 йил 30 апрель) қонунининг 3- моддасида «Чет эллик инвесторлар асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, шунингдек чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад Ўзбекистон республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари деб

² Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. // Халқ сўзи. 16 январь, 2016 йил.

этироф этилади».³ Хорижий инвестицияларининг умумий таърифи Ф. Хениуснинг 1947 йил АКШда чоп этилган ташқи савдо луғатининг 2- нашрида куйидагича: «Хорижий инвестициялар - бир мамлакат худудидан иккинчи мамлакат худудига киритилган, экспорт килинган инвестициялар»⁴ таъриф берилган.

Бизнингча чет эл инвестициялари – чет эл мамлакатларининг миллий иқтисодиётга моддий, молиявий ва номоддий (нау-хау) кўринишидаги муддатли қўйилмаларнинг барча шакллари тушунилади. Бу куйидагилардан иборат булиши мумкин: қўшма корхоналарни ташкил қилишда ўз улуши билан қатнашиш, хорижий сармоядорларга тўла тегишли бўлган корхоналарни барпо этиш, хорижий шахслар томонидан қимматли қоғозларни, шунингдек, заём ва кредитлар олиш.

Маълумки хорижий инвестициялар иқтисодий ривожланиш гарови ва иқтисодни ҳаракатга келтирувчи кучдир. Президентмиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек «... мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш борасида бажарилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойиқ.

2015 йилда ана шу мақсадларга барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 15 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилди ва ўзлаштирилди. Бу 2014 йилга нисбатан 9,5 фоиз кўп демакдир. Жами инвестицияларнинг 3 миллиард 300 миллион доллардан зиёди ёки 21 фоиздан ортиғи хорижий инвестициялар бўлиб, шунинг 73 фоизи тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларидир.

Инвестицияларнинг 67,1 фоизи янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилди. Бу эса 2015 йилда умумий қиймати 7 миллиард 400 миллион доллар бўлган 158 та йирик ишлаб чиқариш объекти қурилишини якунлаш ва фойдаланишга топшириш имконини берди.

2015 йилда амалга оширган кенг кўламли, узоқни кўзлаган ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш эркин тадбиркорликка кенг имтиёз ва преференциялар йўлини очиб бериш, инвестициялар, аввало, чет эл инвестицияларининг ҳажмини ошириш ва жорий этиш иқтисодиётимизнинг **барқарор ўсиш суръатларини ва унинг макроиқтисодий мутаносиблигини** таъминлаш бўйича ўз ижобий таъсирини берди, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз »⁵.

Хозирги кунда республикамиз ташқи савдо айланмасининг учдан бир қисми хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳиссасига тугри келмоқда ва уларнинг экспорт ҳажмидаги улуши ўтган йили 60 фоизни ташкил этди.

Халқаро молия институтлари билан ҳамкорлигимиз фаол ривожланмоқда. Инвестиция ва сармоялар ҳақида гап борганда, бир муҳим масалага алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. Бугун жойларда иқтисодиётни юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жихозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш хорижий сармояларни жалб қилиш, кичик бизнес ва хусусий

³ Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 19-сон,-Т.: Адолат,1998.532-бет.

⁴ Самархужаев Б.Б. Инвестиции в Республике Узбекистан. Ташкент, 2003г. С.16.

⁵ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. // Халқ сўзи. 16 январь, 2016 йил.

тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликни ривожлантириш нечоғлиқ катта, хал қилувчи аҳамиятга эга эканини кимгадир исбот қилиб беришга ҳожат йўқ. Бу авваламбор, аҳолии бандлиги, унинг иш ҳақи ва даромадини ошириш, бу охир-оқибатда республикамиз ҳудудлари, шаҳар ва туманларимиздаги энг муҳим ижтимоий муамоларни ечиш демакдир.

Бу эса ўз навбатида хорижий инвестицияларнинг кириб келиши учун қулай инвестицион муҳит барпо этиш шартларининг айримларини ўз ичига олади. Хорижий инвестициялар иқтисодий жараёнлар ҳисобланиб, жаҳон бозори билан ўзаро яқин ва тўлиқ боғлиқликда бўлади. Шу нуқтаи-назардан у кўпгина иқтисодий жараёнларни ўзида қамраб олади. Хорижий инвестициялар бозор муносабатларига ўтаётган мамлакатлар иқтисодиётини таркибий қайта қуриш суръатларини тезлаштириш имконини беради. Энг муҳим йуналиш сифатида хорижий инвестицияларни жалб этишни ўз ичига олган инвестиция фаолиятининг жадаллашуви бугунги кунда ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатлар учун айтиш муддао. Хорижий инвестицияларни жалб этиш у ёки бу мамлакатда олиб борилаётган сиёсий ва ижтимоий – иқтисодий ислохотларга боғлиқ.

Инвестициялар замонавий техника ва технологиялар билан қуролланиш, илмий техник, ишлаб чиқариш ва ақлий имкониятларини тиклашнинг асосий воситадир. Айнан хорижий инвестициялар орқали миллий иқтисодиёт жонланиб, ишлаб чиқаришда замонавий рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришга ихтисослашиб борилади. Бу эса ўз навбатида янги иш ўринларининг очилиши ва мамлакатдаги мавжуд иқтисодий ва ижтимоий муаммоларининг хал бўлишига олиб келади.

Жаҳон тажрибасини кўрсатишича, мамлакат иқтисодиётида хорижий инвестицияларнинг тутган ўрни, салмоғи мазкур давлатдаги инвестицион муҳитнинг қанчалик қулайлигини белгилайди. Бу муҳит кўп жихатдан хорижий инвестицияларга нисбатан давлат олиб бораётган сиёсатини ва ташқи иқтисодий фаолиятининг давлат томонидан тартибга солишининг хусусиятлари билан баҳоланади.

1.2. Аграр соҳага инвестициялар жалб қилишнинг ҳуқуқий асослари.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг бош ислохотчи сифатидаги ролидан келиб чиқиб, халқ ҳужалигининг ҳар бир тармоғи ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя этилади. Иқтисодиётни модернизациялаш босқичида инвестиция фаолияти, инвесторларнинг манфаатлари, қулай инвестиция муҳитини яратиш қонуний кучга таянади. Бу борада қуйидаги ҳуқуқий норматив актларни асосий қонун ҳужжатлари сифатида эътироф этиш мумкин:

-24.12.1998 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Инвестиция фаолияти туғрисида"ги №719-1 Қонуни;

-30.04.1998 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Чет эл инвестициялари туғрисида"ги №609-1 Қонуни;

-30.04.1998 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари туғрисида"ги №611-1 Қонуни;

-14.04.1999 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Лизинг

туғрисида"ги Қонуни;

-06.05.1993 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Суғурта туғрисида"ги Қонуни.

Булардан "Инвестиция фаолияти туғрисида"ги Қонун айниқса аҳдмийатлидир. Мазкур Қонун 28 та моддадан иборат бўлиб, уларга Ўзбекистон Республикасининг 12.12.2003 йил 568 - II сон, УЗР 10.10.2006 йил УРҚ - 59 - сон, Ўзбекистон Республикасининг 31.12.2008 йил УРҚ - 197 - сон Қонунларига мувофиқ у^шартиришлар киритилган. Ушбу Қонунга биноан (7 - модда) инвестиция фаолиятида қуйидаги субъектлар иштирок этади:

- инвесторлар;
- бўйртмачилар (маблаг киритувчилар);
- кредиторлар;
- сотиб олувчилар;
- инвестиция фаолияти иштирокчилари вазифасини бажарувчилар.

Инвесторлар - бу юридик ёки жисмоний шахслар бўлиб, инвестиция фаолияти объектларига уз маблагларини, жалб қилинган маблагларини ёки заёмларини, уларга дойр ҳуқуқларни киритади ва мулкый бойликларни тасарруф этиш юзасидан молиявий қарорларни қабул қиладилар.

Қонуннинг 8 - моддасига қура инвесторлар қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

-инвестор инвестициялаш мақсади, йуналиши, тури ва ҳдждмини мустақил равишда белгилайди, буни амалга ошириш учун шартнома асосида, қоида тариқасида танлов (тендер) савдосини утқазиш йули билан юридик ва жисмоний шахсларни инвестиция фаолияти иштирокчилари сифатида жалб этади;

-инвестор инвестиция объектларига ва уларнинг натижаларига эғалик қилади, улардан фойдаланади, уларни тасарруф этади, шунингд^еҚ реинвестиция қилади;

-инвестиция объектларига ва уларнинг натижаларига эғалик қилиш, улардан фойдаланиш, уларни тасарруф этиш ҳуқуқини қонуи ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик ва жисмоний шахсларга бериши мумкин;

-инвестор узига зарур бўлган мол - мулкни юридик ва жисмоний шахслардан узаро қелишув асосида белгиланадиган нарх ва шартларда, ҳдждми ва номенклатурасини чекланмаган тарзда олишга ҳақли;

-инвестор қонун ҳужжатларида қузда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Амалиётда инвесторларни инвестиция мақсади ва йуналишини белгилашда сохднинг сердаромадлилиги, яъни бевосита олинадиган фойда қизиқтиради. Саноат, алоқа, транспорт, қурилиш қаб^и халқ ҳужалиги тармоқларидаги инвестиция мухитининг жозибадорлиги инвесторларни узига осонроқ жалб этса, аграр сохдда бу бироз қийинроқ қечади. Чунки қишлоқ ҳужалигида мавсумийлиқ ишлаб қикариш даврининг узоклиги, табиий шарт - шароитлар қаб^и омиллар ҳужалиқ юритувчи субъектнинг якуний натижасига бевосита боғлиқдир. Президентимиз И. А. Қаримов таъқидлаганид^еҚ "Таъбир жоиз бўлса, қишлоқ ҳужалиги ишлаб қикаришида иқтисодий қонунлар ҳаракати доимий равишда табиий қонунлар ҳаракатига тукнаш қелади. Устига - устақ қишлоқ ҳужалигида маблагларнинг айланиш муддати бошқа тармоқлардагига нисбатан узокдир" .

Аграр соҳда субъектларини инвестициялашда инвестор томонидан ўтказиладиган тендер, яъни танлов хужалик юритувчи субъектнинг молиявий курсаткичлари ёки бизнес режаси параметрларига таянади.

Инвестор мазкур Қонуннинг 9 - моддасига кура куйидаги мажбуриятларни бажариши керак:

- инвестиция лойиҳаларида санитария - гигиена, радиация, экология, архитектура - шахдрсозликка оид ва бошқа талабларга риоя этилганлиги хусусида экспертиза хулосасини олиши;

- монополияга қарши қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этиши;

- солиқлар ва бошқа мажбурий туловларни тулаши;

- шартнома бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги туфайли инвестиция фаолияти иштирокчисига етказилган зарарни қоплаши;

- махаллий давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқаруви органларининг ўз ваколатлари доирасида қўйиладиган талабларини бажариши шарт.

Инвесторга давлат санитария - гигиена стандартларига, экологик ва бошқа талабларга жавоб бермайдиган, мамлакатдаги юридик ёки жисмоний шахсларнинг қонун билан ҳимояланадиган манфаатларига путур етказадиган объектларни инвестициялаш таъқиқланади.

Инкирозга қарши чоралар дастурида қўйидаги асосий вазифаларни бажариш қўзда тутилган:

- биринчидан, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий мослашувчан технологияларни қенг жорий этиш;

- иккинчидан, экспортни рағбатлантириш, бунда:

- айланма маблағларни тулдириш учун корхоналарга Марказий Банк қайта молиялаш ставкасининг 70 % идан ортиқ бўлмаган ставкаларда 12 ойгача бўлган муддатга имтиёзли кредитлар бериш;

- банклар кредитлари бўйича тулов муддати ўтган ва жорий қарзлар миқдорини қайта қуриб чиқиш, бюджетга туланадиган туловларнинг пенясида қечиш ва бошқа муҳим имтиёзлар ва преференциялар бериш;

- учинчидан, қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини қамайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш;

- туртинчидан, электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини қамайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш;

- бешинчидан, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб - қувватлаш⁶.

Инвестиция фаолиятининг иштирокчиси (юқоридаги Қонуннинг 10 - моддасига кура) қўйидагиларга ҳақли:

- танлов (тендер) савдосининг иштирокчиси бўлиш;

- инвесторлар билан уларнинг буюртмаларини бажариш учун шартномалар тузиш;

6 "Қаримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инцирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. - Т.: Ўзбекистон, 2009. - Б. 32.

-агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, инвестиция фаолияти объектининг ҳақиқий кийматини пасайтириш натижасида эришилган тежамни мустақил равишда тасарруф этиш.

Шунингдек ушбу Қрнуннинг 11 - моддасига кўра, инвестиция фаолиятининг иштирокчиси куйидаги мажбуриятларни бажариши керак:

-қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар, қоидалар ва стандартларга риоя этиши;

-шартномаларни уз вақтида лозим даражада бажариши;

-шартномани бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги туфайли инвесторга етказилган зарарни қоплаши;

-махаллий давлат ҳокимияти органлари ва давлат бопқаруви органларининг уз ваколати доирасида қуйилган талабларини бажариши шарт.

Мазкур Қонуннинг 18 - моддасига кўра, ижтимоий - иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилади.

Давлат инвестициялар ҳимоя қилиниши ва инвестиция фаолияти субъектларининг ҳуқуқларини кафолатлайди. Инвестиция фаолияти субъектининг инвестиция фаолияти натижасидан олинган фойдаси (даромади) солиқлар ва бошқа мажбурий туловлар тулангач, унинг ҳохишига қура реинвестиция қилиниши ёки бошқа ҳар қандай усулда ишлатилиши мумкин (юқоридаги Қонуннинг 23 - моддаси).

Инвестиция фаолияти субъектларининг манфаатларига хизмат қиладиган очик ахборот дан эркин фойдалана оладилар.

Инвестиция фаолиятини чеклаб қуйиш, тухтатиб туриш ёки тугатиш инвесторнинг, давлатнинг ваколатли органи ёхуд суднинг қарорига қура амалга оширилиши мумкин (26 - модда).

"Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тугрисида"ги Қрнуннинг 4 - моддасига мувофиқ чет эллик инвесторларга қушимча кафолатлар ва уларни ҳимоя қилиш чоралари ҳар бир муайян ҳолда, яъни:

-барқарор иқтисодий узишни, мамлакат иқтисодиётида илғор тузилмавий узгаришлар рўй беришини таъминловчи устувор тармоқларга инвестициялар киритилаётганда;

-республиканинг экспорт имконияти мустаҳкамланиши ва кенгайишини, республика жаҳон ҳужалик алоқаларига интеграциялашувини таъминловчи устувор лойиҳаларга инвестициялар киритилаётганда;

-амалга оширилиши хом - ашё ва материалларни қайта ишлашга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва хизматлар курсатишга, аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган кичик тадбиркорлик соҳдсидаги лойиҳаларга инвестициялар киритилаётганда берилиши мумкин.

Бу кафолатлар инвестор ва Ўзбекистон республикаси ҳукумати томонидан тузиладиган инвестиция шартномаларини тузиш тартибини белгилайди.

Қушимча кафолатлар ва ҳимоя чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) бериладиган чет эллик инвесторлар томонидан мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида инвестор билан инвестиция шартномаси тузилади. Бу

шартнома Ўзбекистон Республикаси Ташкилот иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги орқали Ўзбекистон Республикаси Хукумати хдмда чет эллик инвесторлар у^{Ртаси}да тузилиб, инвестиция фаолияти субъектларининг инвестиция фаолияти объектларига нисбатан ҳукуклари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайди.

Инвестиция шартномасида куйидагилар курсатилиши керак:

-инвестициялар объекта ва хджми;

-инвестиция шартномасининг амал қилиш муддати ва шартлари; - инвесторнинг, шу жумладан, инвестициялаш ҳдҗми, ишлаб чиқаришнинг муайян ҳажмини таъминлаш, маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва сифатининг кафолатланган даражаси, узи ишлаб чиқарган товарлар экспорти ва курсатадиган хизматлари ҳдҗми, Ўзбекистон Республикаси Хукумати кафолати остида жалб этиладиган кредитларнинг қайтарилишини таъминлаш, атроф - муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳдсидаги қонун ҳужжатларига, меҳнат қонунчилигига ва техника ҳавфсизлигига риоя қилиш, ишлаб чиқариш фаолиятининг бошқа соҳалари бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

-лойиха - смета хужжатларини тайёрлаш, пудрат ишларига шартномалар тузиш муддатлари, молиялаштириш манбалари, лойихдни амалга ошириш жадваллари, инвестиция лойихдсининг амалга оширилишини техник назорат қилиш тартиби тугрисидаги ахборотлар;

-чет эллик инвестор томонидан унинг мажбуриятлари ижроси тугрисидаги ҳисоботларни тақдим этиш тартиби ва муддатлари;

-томонларнинг инвестиция шартномаси шартларига риоя қилмаганлиги учун жавобгарлиги;

-узгартиришлар киритиш тартиби;

-инвестиция шартномасининг амал килишини тухтатиш тартиби; -инвестиция шартномасидан келиб чикадиган низоларни ҳал этиш тартиби ва куриб чиқиш жойи.

Инвестиция шартномасида инвестиция лойихдси хусусиятига караб бошка шартлар, шу жумладан:

-томонларнинг минтаканинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича узаро мажбуриятлари;

-инвесторнинг шартномани бажариш натижасида узига тегишли маҳсулотни ва олинган фойдани (даромадларни) Ўзбекистон Республикасидан четга чиқариш ҳуқуқи;

-чет эллик инвесторнинг Ўзбекистон Республикаси жисмоний шахслари булган ходимларни ёллаш ва укитиш буйича мажбуриятлари, технологиялардан фойдаланиш шартлари, шунингдек инвесторнинг инвестиция лойихдсини амалга ошириш тугаллангандан кейин ташқил этилган ташкилотнинг ходимларини укитиш буйича мажбуриятлари ҳам бўлиши мумкин.

Чет эллик инвестор инвестиция шартномасини тайёрлаш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига куйидагиларни такдим этади:

-инвестиция шартномасининг лойихдси;

-конун хужжатларида белгиланган ҳолларда ваколатли органларда

экспертизадан утказилган техник - иктисодий асослаш (техник - иктисодий ҳисоблаш) асосида бажарилган асосий иктисодий курсаткичлар;

-инвестиция шартномаси лойихдсининг ҳукукий экспертизаси юзасидан Адлия вазирлигининг хулосаси;

-чет эллик инвесторларга ва (ёки) ташкил этиладиган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонага конун ҳужжатларида белгиланганларига қушимча равишда солиқ солиш бўйича имтиёзлар ва преференциялар бериш юзасидан Молия вазирлиги, Иктисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қумитаси хулосалари.

Чет эллик инвестор кишлоқ хужалик корхонасига инвестиция киритиш учун дастлаб инвестиция шартномасининг лойихдсини тайёрлаб киритади. Мазкур лойихд 14 кун муддат ичида Иктисодиёт вазирлиги томонидан иктисодий баҳолаш юзасидан, Молия вазирлиги томонидан солиқлар тулаш бўйича имтиёзлар ва преференциялар беришнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан, Давлат Солиқ Қумитаси томонидан солиқ имтиёзларини қулланиш тартиботи юзасидан, Адлия вазирлиги томонидан инвестиция шартномаси лойихдсининг ҳукукий экспертизаси юзасидан қуриб чиқилади. Сунг чет эллик инвестор инвестиция шартномаси лойихдсини ваколатли органлар хулосалари ва бошқа керакли материаллар билан биргаликда киритади ҳдмда 14 иш куни давомида Ташки иктисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги лойихдни қуриб чиқиб, зарурат бўлганда чет эллик инвестор билан музокаралар утазади ва имзолайди. Имзоланган инвестиция шартномасини Вазирлар Маҳкамаси қуриб чиқади ва уни тасдиқлаш тугрисида белгиланган тартибда қарор қабул қилади. Инвестиция шартномаси Ҳукумат қарори қабул қилинган кундан бошлаб қучга қиради. Мазкур инвестиция шартномасида белгиланган мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан Ташки иктисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги назорат урнатади.

Қишлоқ хужалик корхоналарига чет эл инвестицияларини жалб этишда "Чет эл инвестициялари тугрисида"ги Қонун ҳам асосий ҳукукий база таркибига қиради. Ушбу Қонун 22 та моддадан иборат бўлиб, унинг асосий вазифаларига чет эл инвестициялари кириб келишини рағбатлантириш йули билан Ўзбекистон Республикаси иктисодиётини ривожлантириш ва унинг жаҳон тизимида қушилишига кумаклашиш ва чет элнинг молиявий, моддий, интеллектуал ва бошқа ресурсларини, замонавий хорижий технологияларни ва бошқарув тажрибаси жалб этиш ҳдмда улар дан оқилона фойдаланиш (1 - модда) қиради.

Мазкур Қонуннинг 3 - моддасида чет эл инвестицияларига шундай таъриф берилади: Чет эллик инвесторлар асосон даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва конун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қушадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга дойр ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулкка дойр ҳуқуқлар, шунингдек чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эллик инвесторлар чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарни ташкил этишлари ҳамда конун ҳужжатларида белгиланган барча имтиёзлар, ҳуқуқлар ва қафолатлардан фойдаланишлари мумкин.

Инвестиция фаолиятида инвестиция хатарини баҳолаш асосий унсур

хисобланади. Одатда инвестиция хатари сугурта тизими оркали копланиши назарда тутилади. Мазкур Крнуннинг 16-моддасида чет эл инвестицияларини сугурта қилишнинг ҳукукий асослари келтирилган. Унга кура, инвестициялар ва чет эллик инвесторларнинг рискларини сугурта қилиш ихтиёрий равишда амалга оширилади. Чет эллик инвесторлар мамлакатнинг уз инвесторлари билан тенг равишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият курсатаётган ҳар қандай сугурта ҳимояси ҳуқуқидан фойдаланадилар. Чет эл инвестицияларини сиёсий ва бошқа рисклардан сугурта қилиш халқаро ташкилотлар, хорижий давлатларнинг экспорт - кредит агентликлари, бошқа сугурта компаниялари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда аграр соҳада инвестициялар олиб қиришнинг тулик ҳукукий асослари мавжуд.

Ҳукукий асосларни янада такомиллаштириш қуйидаги йўналишларда олиб борилиши мумкин:

- инвестиция фаолиятини тартибга солишда давлатнинг ролини янада ошириш;
- чет эл инвесторларига қулай инвестиция муҳитини яратиш;
- қишлоқ ҳужалиги тизимидаги сугурталаш амалиётини изчиллаштириш;
- инкироз давридаги ҳолат учун махсус молия - солиқ муносабатларида енгилликлар яратиш ва бопшлар.

1.3. Қишлоқ ҳўжалигига инвестицияларни жорий этишнинг манбалари, уларнинг сарфланиш йўналишлари

Қишлоқ ҳўжалигининг барқарор ривожланиши тармоқда мавжуд бўлган ишлаб чиқариш воситалари оқилона тарзда такрор ишлаб чиқарилишини талаб этади. Бу жараён ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш, қайта таъмирлаш, қуриш, инновацион ҳамда ижтимоий муносабатлар йиғиндисидан ташкил топади.

Республикаси қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш мақсадида инвестициялар сарфланиши объектив зарурият ҳисобланади. Чунки тармоқни устувор шаклда ривожлантириш учун унинг моддий-техника базасини мустаҳкам равишда барпо этиш зарур. Бунинг учун уни замонавий бино-иншоотлар, барча турдаги зарур техникалар, қишлоқ ҳўжалик механизмлари, ички ирригация ва мелиорация иншоотлари, серунум, тезпишар навлар, зотли, махсулдор ҳайвонлар ҳамда айланма воситалар ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш лозим.

Ҳозирги даврда инвестицион маблағлар янги, самарали технологияга ҳамда интеллектуал мулкни барпо этишга ҳам сарфланиши мақсадга мувофиқдир. Бу муаммонинг тўғри, самарали ҳал этилиши маълум миқдордаги инвестициялар сарфланишини объектив равишда талаб этади. Демак, инвестиция маблағлари тармоқда доимий ва ўзгарувчан капитални ҳамда интеллектни барпо этиш ва уларни ривожлантириш ҳамда юксалтириш учун сарфланади. У узоқ ҳамда қисқа муддатларга мўлжаллаб сарфланиши мумкин. Агарда қишлоқ ҳўжалигининг асосий воситаларини сотиб олишга, қуришга ҳамда уларни капитал таъмирлашга сарфланса, унда бу сарфлар узоқ муддатга мўлжаллангандир. Уларни асосий капиталга сарфланган инвестициялар деб аташади. Шу билан биргаликда инвестициялар қишлоқ ҳўжалигининг айланма воситаларига ҳам сарфланади. Улар қисқа муддатга сарфланган ҳисобланади. Демак, инвестициялар натижасида қишлоқ ҳўжалигининг ишлаб чиқариш воситалари барпо этилиб, уларнинг ишга яроқлилиги тубдан яхшиланади.

Қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариш воситаларига сарфланадиган барча маблағлар инвестициялар деб аталади. Улар қишлоқ ҳўжалиги (корхоналар)нинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаб, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш, кимёлаштириш, электрлаштириш, ирригация-мелиорациялаштириш натижасида харажатларни камайтириб,

етиштириладиган маҳсулотлар ҳажми кўпайиши ва сифати яхшиланишини, олинadиган даромад (фойда) суммаси оширишни таъминлайди. Бу инвестицияларни амалга оширишнинг туб мақсадидир.

Шуларни эътиборга олган ҳолда республикада барқарор инвестицион сиёсат ишлаб чиқилган. У мамлакатда «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги (1998й) қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилмоқда.

Инвестициялар мақсад ҳамда вазифаларига кўра, қуйидаги турларга бўлинади:

- капитал инвестициялар;
- инновацион инвестициялар;
- ижтимоий инвестициялар.

Инвестицияларни мақсади, вазифалари, манбалари ҳамда йўналишларини эътиборга олган ҳолда 1-чизмадагидек туркумлаштириш мумкин.

Барча инвестициялар (капитал қўйилмалар) қуйидаги йирик иккита манбадан шакллантирилиб, амалга оширилади:

- корхонанинг ўз маблағларидан;
- четдан жалб қилинган маблағлардан.



1 -чизма. Қишлоқ хўжалигида инвестицияларнинг мақсади, вазифаси, манбалари ва йўналишлари бўйича туркумлаштирилиши

Корхоналарнинг ўз маблағлари шаклланиши учун корхонанинг ўзи бозор субъектлари каторида бозор муҳитида фаол иштирок этиб рақобатда бир неча кўрсаткичларда устуворликни касб этиши керак. Корхонанинг ликвидлилик даражаси юқори бўлиши лозим. Шундагина корхонанинг ўз маблағлари ҳисобидан капитал қўйилмаларни амалга ошириш имкониятлари юзага келади. Агар корхона фаолиятида маблағлар чегараланган бўлса ва корхонанинг инновацион ғояларини амалга ошириш зарурияти пайдо бўлса, у ҳолда четдан маблағлар жалб қилишга тўғри келади. Четадан маблағларни жалб этиш шартномаларни тузиш асосида амалга оширилади. Бунда капитал киритувчи субъектларнинг ҳам манфаатлари ҳисобга олинади.

Корхонанинг ўз маблағларига қуйидагилар киради:

- корхонанинг соф фойдасидан ажратилаётган маблағлар;
- амортизация фондидаги маблағлар;
- асосий воситаларни тугатишдан, сотишдан келиб тушган маблағлар;
- уларни ижарага беришдан тушган маблағлар;

Юқоридагилардан ташқари, қишлоқ хўжалиги корхоналари учун капитал қўйилмалар манбаи чорва ҳайвонларини сотишдан тушган маблағлар, Устав фондини кўпайтириш учун қилинган ажратмалар ҳам ҳисобланади.

Четдан жалб қилинган маблағлар эса:

- қишлоқ хўжалиги учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;
- ҳамкорлардан олинadиган маблағлар;
- турли хил қарзлар, шу жумладан, тижорат банкларидан олинadиган кредитлар;
- хўжалик аъзоларининг бўш ётган маблағларини жалб этиш;
- хорижий, давлат корхоналари ҳамда шахсий корхоналар ва фуқароларнинг маблағлари;
- хайрия фондларидан, ҳомийлар ажратаётган маблағлари ва бошқалар.

Четдан жалб қилинган маблағлар орасида банк кредитлари алоҳида ўрин тутadi. Улар ишлаб чиқариш фаолияти натижаларидан қатъий назар, алоҳида корхоналар эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда капитал қўйилмаларни амалга оширишга имкон беради. Банк кредитлари корхона ўз маблағларининг капитал қўйилма учун керакли миқдорини йиғмасдан туриб инвестиция жараёнини тезлаштиради. Кредитлар капитал қўйилма манбаи сифатида нафақат капитал қурилишда, балки янги техникани жорий қилишда ҳам ишлатилади. Капитал қўйилмаларнинг асосий вазифаси – тармоқ маҳсулотини кўпайтириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиш суръатлари тезлаштирилишини таъминлашдир.

Капитал – корхона молиявий натижаларининг бир қисми бўлиб, айланма фондларга қўйилиб, даромад келтиради. Капиталнинг айланма фондларга қўйилиши тўғри портфелли инвестициялар орқали амалга оширилади.

Капитал қўйилмаларнинг халқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти улкан. Биринчидан, капитал қўйилмалар жами харажатларнинг асосий қисми ҳисобланади. Капитал қўйилмалардаги ўзгаришлар жами талабга етарлича таъсир кўрсатади, шунингдек аҳолининг бандлиги ва ялпи миллий даромад (ЯМД) ҳажмининг ҳам ўзгаришини таъминлайди.

Иккинчидан, капитал қўйилмалар корхонанинг асосий фондлари жамғарилишига, яъни кўпайишига олиб келади. Бунда ишлаб чиқариш кучларини кенгайтиришга сарф қилинган пул маблағлари бошланғич босқичда корхона фаолияти натижаларига таъсир этмаслиги мумкин, лекин келажакда иқтисодий ўсиш учун зарур базани яратади.

Учинчидан, капитал қўйилмаларнинг нораціонал сарф қилиниши ишлаб чиқариш ресурслари, харажатлар ўсишига олиб келади, натижада ЯМД қисқаради. Мисол учун, тугатилмаган қурилишнинг кўпайиши, моддий ресурслар ошиши, тўланадиган иш ҳақининг кўпайиши ҳамда ишлаб чиқаришнинг қисқариши шулар жумласидандир. Худди шундай тарзда норитмик ҳолда етказиб берилган воситалар меъёрдан юқори бўлиб, корхона захираларига ҳам таъсир кўрсатади. Улар сарфланаётган капитал қўйилмаларнинг қиймати ўсишига ҳамда самарадорлигига таъсир этади.

Капитал қўйилмаларнинг миқдори, динамикаси ва самарадорлиги қуйидаги омилларга боғлиқ:

- капитал қўйилма амалга ошириладиган лойиҳага;
- мамакатдаги ва корхона фаолиятидаги иқтисодий ўзгаришга;
- давлатнинг солиқ сиёсати ва банкларнинг фоиз ставкасига;
- ташқи савдодаги иқтисодий ҳолатга;
- миллий валютанинг ички ва ташқи курсига;
- мамлакатнинг сиёсий ҳаётидаги барқарорликка.

Инвестициялар (капитал қўйилмалар) кишлоқ хўжалигининг ҳар томонлама ривожланишини таъминлайди. Чунки улар эвазига тармоқнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланади. Улардан тўлиқ ва самарали фойдаланиш натижасида жонли меҳнат харажатлари қисқариб, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб, сифати яхшиланади. Бу ҳол кишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаб янада яхшироқ қондирилишини таъминлайди. Шу билан биргаликда соф фойда суммаси кўпаяди. Натижада кишлоқ хўжалигини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш асосида ривожлантириш имконияти туғилади. Аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи янада юксалади. Булар инвестициялар, капитал қўйилмаларнинг ижтимоий ҳамда иқтисодий самарадорлиги мавжудлигидан далолат беради.

Чет эллик инвесторлар асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, шунингдек, чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад республика ҳудудида чет эл инвестициялари ҳисобланади.

Улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

- республика кишлоқ хўжалигидаги юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг Устав жамғармаларида ва бошқа мол-мулкида улуш қўшиб қатнашиш;
- тармоқда чет эллик инвесторгарга тўлиқ қарашли бўлган хўжалик жамиятлари ва ширкатлари, банк, суғурта ва бошқа корхоналарни барпо этиш ва ривожлантириш;
- мол-мулк, акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан эмиссия қилинган қарз маблағларини сотиб олиш;
- интеллектуал мулкка, шу жумладан, муаллифлик ҳуқуқлари, патентлар, фирма номлари ва ноу-хауларга, шунингдек, ишчанлик нуфузига (гудвиллга) ҳуқуқлар киритиш ва бошқалар.

Уларни чет давлатлар ёки бу давлатларнинг қуйидаги ҳудудий органлари амалга оширадилар:

- давлатлараро битимлар ёки бошқа шартномаларга мувофиқ ташкил топган ёки халқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари бўлган халқаро ташкилотлар;
- чет давлатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил топган ва фаолият кўрсатиб келаётган юридик шахслар, ширкатлар, уюшма ва ташкилотлар;
- чет эл фуқаролари бўлмиш жисмоний шахслар ва бошқалар.

Чет эл инвесторлари инвестициялари Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги (1998 й) қонуни талаблари асосида амалга оширилади.

Ҳамон кишлоқ хўжалигига инвестициялар меъёрида сарфланмаяпти, яъни демокчимизки, кишлоқ хўжалигига инвестицияларни жорий этиш масалаларида ҳали талайгина муаммолар бор. Агар ўтган даврларни ҳисобга олиб қайд этадиган бўлсак, кишлоқ хўжалигига жорий этилган инвестициялар динамикасида тўлқинсимон ҳолатни ҳам кўриш мумкин. Масалан, 2003 йилнинг 1 чорагида кишлоқ хўжалигига сарфланган инвестиция мамлакат миқёсидаги жами инвестицияларнинг 4,1 фоизини ташкил этган бўлса, 2004 йилнинг худди шу даврида сарфланган инвестиция атиги 3 фоизини ташкил этган. Ўтган йил мобайнида кишлоқ хўжалигига киритилган инвестиция 1,1 фоизга қисқарган. Бу ўз навбатида тармоқда кўпроқ миқдорда янги ерларни ўзлаштириш, ирригация ва мелиорация ишларини ривожлантириш, янги техника ҳамда технологияларни жорий этиш имкониятларини чеклаб қўяди. Бундай ҳолни олдини олиш учун тармоқдаги мулкчилик муносабатларини ривожлантиришни, айниқса, хусусий мулкчиликни ҳамда инвесторла учун қулай шароитлар яратиш талаб этилади.

1.4. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда инвестиция фаолиятини бошқаришнинг хориж тажрибалари

Ривожланган мамлакатларнинг тажрибаларида назар ташлайдиган бўлсак, иқтисодийни хусусан, аграр тармоқни барқарор ривожланишида кўп жиҳатдан инвестиция бозорини барқарор ривожланганлиги муҳим аҳамият касб этади. Қайд этиш керакки, иқтисодийнинг реал тармоқларига, шу жумладан қишлоқ хўжалигига капитал қўйилмаларни жалб этишда давлат томонидан қўллаб-қувватланиши уларни тартибга солиш иқтисодий хусусиятга эга ҳисобланади.

Албатта, инвестиция бозорини давлат томонидан назорати ва бошқаруви қуйидаги йўналишларда тартибга солинади:

- а) даромадларни қайта тақсимлаш;
- б) ЯИМ структурасига таъсир қилиш мақсадида ресурслар тақсимотини коррективка қилиш;
- в) иқтисодийни барқарорлаштиришдан иборат.

Агар даромадларни қайта тақсимлаш орқали фермер хўжалигининг инвестиция жамғармасини ташкил этувчи даромадларнинг минимал даражасини ҳосил қилиш имконияти туғилса, нархлар даражасини ушлаб туриш, яъни нарх – наво сиёсати воситасида фермер даромадининг ошиши қўллаб – қувватланади, шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бозордаги таклифи ошади. Ресурслар тақсимотидаги давлат сиёсати қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларига капитал бозорида уларга мақбул шартларда иштирок этишнинг макроиқтисодий шароитларини яратиб беради. Бунда давлат фонд бозори институтларининг фаолиятини бошқаришдан тортиб захира – омбор масалалари ва бошқалар юзасидан иш олиб боришгача бўлган амалларни бажаради. Турли манбалардаги маълумотларга таяниб, аграр соҳадаги инвестиция фаолиятини бошқаришнинг қуйидаги АҚШ моделини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Аграр соҳадаги инвестиция фаолиятини бошқаришнинг Америка модели АҚШ ва Канада давлатлари учун хос бўлиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларни қўллаб – қувватлашда улар учун энг мақбул шарт – шароитларни таъминлаш концепциясига асосланган. Масалан, АҚШ федерал бюджетидан қишлоқ хўжалигига ажратиладиган ажратмалар тўғридан – тўғри пул тўлови кўринишида амалга оширилади: имтиёзли кредитлар, фермерларга инвестициялар учун солиқ имтиёзлари, кредит қайтариш муддатларини узайтириш ва бошқалар. Бунда давлат кредитлаш системаси фермерларга тижорат банклари ва суғурта компаниялари томонидан берилган жами ссудаларнинг ярмидан кўпроқ қисмини эгаллайди.

АҚШда қишлоқ хўжалигидаги инвестиция жараёнлари солиққа тортиш тизими орқали ҳам бошқарилади. Солиқ тизимидаги имтиёзлар қишлоқ хўжалигидаги маҳсулотни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, самарадорлигини оширишга, ернинг ҳосилдорлигини оширувчи муҳитни таъминлашга хизмат қилади. Масалан, фермерлар учун даромад солиғи бошқа ишлаб чиқарувчиларникидан фарқли ўлароқ, реал даромадлар олингандан кейингина ҳисобланади, бошқа бизнес турларида эса молиялаштириш режасидаёқ кўзда тутилади. Фермерлар олинган даромадидан барча жорий харажатларни, хаттоки улар маҳсулот ишлаб чиқаришга бевосита боғлиқ бўлмаса ҳам, чегириб ташлаш ҳуқуқига эга бўлиб, ушбу йўл билан

улар ҳақиқий даромаднинг миқдорини белгилаб оладилар. Фермерларнинг солиққа тортиладиган даромадлари миқдорини минималлаштириш мақсадида уларга баъзи бир хил турдаги қўйилмаларни ишлаб чиқариш воситалари сифатида ҳисоблаб (чорва моллари бош сонини ошириш учун қорамолларни сотиб олиш, вино маҳсулотлари олинувчи экинларни қўпайтириш ва табиатни муҳофаза қилувчи тадбир харажатлари учун) жорий харажатлар таркибига киритиш ва йил давомида уларни бутунлай ўчириб юборишга рухсат этилади. Мелиорация харажатлари, ер ва сув ресурсларини ҳимоя қилиш ва қорамолларни боқиш харажатлари солиққа тортилмайди ҳамда даромаднинг умумий миқдори ўсишини таъминлайди.

Аграр соҳадаги капитал оқимларини бошқариш натижаларининг аҳамиятли қирраси самарали инвестиция йиғими ва жамғармаси системасининг вужудга келиши билан намоён бўлади. Мамлакатдаги инвестиция фаолиятини ривожлантириш ресурсларни у ёки бу соҳага тўғри йўналтириш билан характерланади. Бу аграр соҳани ривожлантиришга мўлжалланган турли махсус фондларни ташкил қилиш ва шакллантириш имконини беради.

Қишлоқ хўжалигидаги инвестиция фаолиятини бошқаришнинг Канада давлатининг тажрибаларида ҳам эътиборга молик тажрибаларни кўриш мумкин. Мамлакатнинг табиий – иқлимий, иқтисодий шарт – шароитлари қишлоқ хўжалигини бошқаришда агробизнесдаги капитал оқимини барқарорлаштиришга қаратилган бўлиб, бу қишлоқ хўжалик маҳсулотларини рақобатбардошлигини ва ички бозорда харидоргирлигини таъминлайди. Яқин вақтларгача Канададаги аграр бозорни бошқаришнинг асосий жиҳати капитал ва маҳсулотни жойлаштириш чегарасининг мамлакат регионлари ўртасида ўрнатилиши ҳисобланарди. Ҳозирги вақтда Канадада ҳукуқий – қонуний асосларнинг қабул қилиниши билан ягона инвестиция муҳити вужудга келиб, капитал ва маҳсулотни мамлакатнинг барча регионларида ҳаракатланишининг умумий қоидалари ўрнатилди. Ягона инвестиция муҳити канадалик фермерларни уларнинг асосий рақобатчилари бўлган АҚШ фермерлари билан рақобатбардошлигини ўсишини таъминлайди. Канаданинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги сиёсатининг асосий хусусияти шундан иборатки, ҳукумат озик – овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдосини бошқаришни тўғридан – тўғри эмас, балки бевосита ишлаб чиқарувчилар ассоциацияси ва кооператив уюшмалари орқали амалга оширганлигидадир. Ўз навбатида улар орқали давлат субсидия ва дотация бериш билан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг кредитларини давлат кафиллиги билан таъминлаган.

Аграр тармоқда инвестицияларни бошқаришда Хитой иқтисодиёти тажрибасининг ҳам ўрни муҳим ҳисобланади, яъни: давлат бюджети маблағлари, кредит кўринишида (давлат банклари орқали), қишлоқ хўжалигидаги корхоналарнинг жамоа маблағлари ва деҳқон хўжаликларининг маблағлари. Қишлоқ хўжалигини инвестициялашдаги асосий субъектлар сифатида жамоа ва деҳқон хўжаликларининг маблағлари юзага чиқади, чунки уларнинг жами капитал қўйилмалардаги улуши 50 фоиздан ошади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини давлат томонидан қўллаб – қувватлаш бюджет капитал қўйилмалари ҳисобидан амалга оширилган бўлиб, давлат бюджетининг маблағлари деҳқончилик, ўрмон ва балиқ хўжалиги, чорвачилик ҳамда ирригация – қурилиш, илмий – техник янгиликларни жорий этиш, шунингдек, ишлаб чиқаришни ривожлантириш

мақсадида турли фондларни ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштиришга ажратилган. Асосий вазифа — деҳқонларни жонлантириш, маҳаллий бошқарув органлари томонидан қишлоқ хўжалигига инвестициялар оқимини кенгайтиришдан иборат. Давлат эса ўз навбатида қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи саноат тармоғига капитал қўйилмалар киритиш кўламини оширади. Бу йўл билан давлат ўз аҳолиси манфаатларини ҳимоя қилиш учун иқтисодиётнинг барча тармоқларини, айниқса қишлоқ хўжалигини муҳим стратегик ричагларини сақлаб туриши керак. Бу ричаглар мамлакатнинг озик — овқат хавфсизлигини илмий — техник жараёнлар тараққиётига эришишни, умуман бутун иқтисодиётни нормал бошқаришни таъминлайди. Шунингдек, бошқарув субъекти сифатида ҳукуматнинг вазифаси мос равишда бажарувчи ва хўжалик органларининг мажбуриятлари ва ҳуқуқларини аниқ ишлаб чиқиб бириктиришдан иборатдир.

Ривожланган мамлакатларнинг кичик бизнес субъектларини микрокредитлаш амалиётининг тажрибаларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, тижорат банкларининг иқтисодиётининг устувор тармоқларида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларини кредитлашдан манфаатдорлигини оширишнинг муҳим зарурий шарт — шароитларидан бири давлат томонидан уларга берилган кредитлар бўйича кредит рискин камайтиришни молиявий қўллаб — қувватланиши ҳисобланади. Германия, Австрия, Франция каби ривожланган давлатларда тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалик корхоналарига берилган кредитларнинг фоиз ставкаларининг маълум қисми, кўпчилик ҳолларда 50 фоизи Давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан субсидиялаштирилади. Бунинг натижасида, биринчидан, тижорат банкининг берилган кредитлар бўйича фоиз тўловларини ўз вақтида ва тўлиқ ундириш имконияти ошади; иккинчидан, кредитнинг асосий қарз суммасини ундириш эҳтимоли ҳам ошади, чунки фоиз ставкаси берилган кредитнинг баҳоси ҳисобланади. Шу сабабли, унинг даражаси қанчалик юқори бўлса, кредитнинг қайтмаслик эҳтимоли ҳам шунча юқори бўлади. Демак, давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан тижорат банклари томонидан иқтисодиётининг устувор тармоқларида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларига берилган микрокредитларнинг фоиз ставкасини субсидиялаштирилиши мазкур корхоналарнинг кредитни қайтариш имкониятини оширади, келгусида мазкур кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқариш имкониятларини янада кенгайтишига олиб келади.

2-боб: Наманган вилояти Чуст тумани иқтисодиёти инвестиция сиёсатини юритиш ва ундан фойдаланиш муаммолари

2.1. Наманган вилояти Чуст туманининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили

Чуст тумани рельефи асосан текислигида ястанган бўлиб, унинг маркази Чуст шаҳри ҳисобланади. Чуст маркази Наманган шаҳридан ғарб томонда, 36-Чуст темир йўл станциясидан 13 км шимолда жойлашган. Туманнинг географик ўрни кулай бўлганлиги учун ўтмишда Буюк ипак йўли ўтган бўлса, ҳозирда Фаргона водийсини шаҳар ва қишлоқларини боғловчи Автомагистрал ўтган. Чуст тумани шимол ва шимолий ғарбдан Тиён-шон, яъни Чоткол тоғи билан, ғарбдан Поп адирликлари билан, жанубдан Сирдарё дарёси билан, шарқ томондан Тўрақўргон тумани билан чегараланган. Рельефи пасту-баландликлардан иборат, денгиз сатҳидан 1000-1200 метр баландликда жойлашган, иклими салкин.

1992 йил 4 январдаги Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий ҳокимият идораларининг қайта ташкил этиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Чуст тумани ва шаҳар Кенгашлари ижроия комитетлари тугатилиб, Чуст тумани ва Чуст шаҳри ҳокимликлари ташкил топди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 сентябрдаги «Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари аппарати тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги 459-сонли қарорига мувофиқ, туман ҳокимининг 1997 йил 27 октябрдаги 10/335-сонли қарори билан туман ва шаҳар ҳокимликлари аппаратлари бирлаштирилди. Чуст туманида Халқ депутатлари туман Кенгаши янгитдан шаклланди.

Ҳозирда Чуст тумани қуйидагича маъмурий ҳудудларга бўлинган, жами 71 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, уларнинг 20 таси Чуст шаҳрида, қолган 51 таси 11 та қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган. Умумий ер майдони 916,7 кв км. Жами аҳоли сони 2010 йилда 217948 кишини ташкил этган бўлса, 2015 йил бошига келиб туман аҳолиси **246634** кишини ташкил етди.

Чуст шаҳри – Чуст туманининг маркази ҳисобланади. Туманда 11 та қишлоқ фуқаролик йиғинлари фаолият кўрсатмоқда. 35 та қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд. Туманда 71 та маҳалла ва бу маҳаллаларда 41459 та хонадон истиқомат қилади. Чуст туманига қарашли бу ҳудудларда, энг кўп аҳоли Чуст маркази ҳисобланган Чуст шаҳрида истиқомат қилади. 2012 йил ҳолатида Чуст шаҳрида 73567 киши истиқомат қилиб, туман аҳолисининг 31,5%ни ташкил этган.

Чуст тумани иқтисодиётининг бошқарилишида бозор қонуниятларига амал қилиб борилмоқда ва шу билан бирга туман ҳокимлигининг кўмаги асосида иқтисодий муносабатлар такомиллаштириб борилмоқда. Туманда бозор муносабатлари яхши таркиб топган бўлиб, бозор инфртаузилмалари фаолияти асосидаги иқтисодий муносабатларни яхши йўлга қўйилган. 2015 йил Чуст тумани ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларига эътибор берадиган бўлсак, Саноат маҳсулотларини ҳажми 108,6 млрд. сўм 2014 йилга нисбатан 104.4 фоизни ташкил қилган. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми эса 2014 йил 62.9 млрд сўмни ташкил қилса, 2015 йил 69.3 млрд сўмни яни 107.1 фоизни ташкил этади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 2014 йил 287.5 млрд. Сўмни, 2015 йил эса 317.4 млрд. Суми ташкил этган, яни 2014 йилга нисбатан 106.6 фоизга ошган.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми ўтган йилга нисбатан 115,3 фоизга ошган.

Қурилиш-пудрат ишлари 2014 йилга нисбатан 111 фоизга, Чакана товар айланмаси 100.5 фоизга, жами хизматлар ҳажми 120,1 фоизга, аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш 109,4 фоизга, ташқи савдо айланмаси 151,3 фоизга ошган.

Бундан кўриниб турибдики Чуст туманида барча соҳаларда ўсиш суратлари кузатилади.

1-жавал

**Наманган вилояти Чуст туманининг ижтимоий-иқтисодий
кўрсаткичлари таҳлили**

2013-2015 йиллар

Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	Ҳажми			Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати, %		
		2013 й.	2014 й.	2015 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.
Саноат маҳсулотлари	млрд. сўм	72,7	98,9	108,6	113,3	102,9	104,9
Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш	млрд. сўм	49,3	62,9	69,3	138,9	100,5	107,1
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	млрд. сўм	242,1	287,5	317,4	109,6	108,4	106,6
Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми	млрд. сўм	59,5	73,3	97,0	118,8	108,4	115,3
Қурилиш-пудрат ишлари	млрд. сўм	54,5	73,6	83,0	121,4	116,4	111,0
Чакана товар айланмаси	млрд. сўм	307,1	354,3	350,5	109,9	106,0	100,5
Жами хизматлар ҳажми	млрд. сўм	165,1	218,8	216,8	122,8	123,6	120,1
Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш	млрд. сўм	55,5	112,3	115,7	130,8	114,9	109,4
Ташқи савдо айланмаси	минг АҚШ долл.	12736,5	15254,2	24443, 0	119,6	119,8	151,3
Экспорт	минг АҚШ долл.	7667,7	8358,6	19101, 7	119,7	109,0	110,4
Импорт	минг АҚШ долл.	5068,9	6895,6	5341,3	119,5	136,0	64,5
Қўшма корхоналар сони	бирлик	3	4	5	X	X	X

Туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш **2015 йилда 102 та 24.8 млрд.сўмлик (банк кредити 11.3 млрд.сўм) лойиҳалар** (саноатда 18 та, хизмат кўрсатишда 65 та, қишлоқ хўжалигида 19 та) амалга ошириш ҳамда уларда 545 та янги ишчи ўринлари яратиш режалаштирилган.

Саноат салоҳиятини ошириш дастурига асосан 2015 йил 6100 млн.сўмлик 18 та лойиҳаларни амалга ошириш белгиланган бўлиб, шу лойиҳаларни амалга ошириш учун 2270.0 млн.сўм тадбиркорлар ўз маблағи, 3830.0 млн.сўм банк кредитлари ташкил этади.

1-ярим йил якуни билан Саноат салоҳиятини ошириш дастуридаги 6 та лойиҳалар бажарилиб, 1090.0 млн.сўм маблағ сарфланди. Шундан 710 млн.сўмини банк кредитлари ташкил этади. Лойиҳаларнинг бажарилиши ҳисобига 36 та янги ишчи ўринлари яратилди. Жумладан: Алижон қурилиш сервис хусусий корхонаси томонидан 300.0 млн.сўм маблағ эвазига Целофан пакетлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 10 та янги иш ўринлари яратилди.

Наманган вилояти Чуст туманида 2013-2015 йилларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таҳлили

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Миқдори		
		2013 йил	2014 йил	2015 йил
Саноат маҳсулоти	млрд. сўм	72,7	98,9	108,6
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	113,3	102,9	104,9
Вилоятдаги улуши	%	4,5	5,0	4,0
Аҳоли жон бошига	минг.сўм	393,2	412,4	444,4
Худудий саноат корхоналари ҳажми	млн.сўм	24898,7	34062,6	34820,4
Жами саноат ҳажмидаги улуши	%	1,6	1,7	1,3
Фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари	бирлик	238	263	258
шундан ҳажмсизлар сони	бирлик	19	14	14
Кичик бизнеснинг саноатдаги улуши	%	48,7	64,4	49,3
Корхоналар сони	бирлик	181	187	187
шундан: йирик корхоналар	бирлик	4	3	2
Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари	млн. сўм	62600,0	62900,0	69303,3
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	138,9	100,5	107,5
Вилоятдаги улуши	%	4,9	5,2	3,9
Аҳоли жон бошига	минг сўм	265,5	262,2	283,6
Озиқ-овқат маҳсулоти	млн. сўм	25744,7	29977,4	34548
Нооziқ-овқат моллари	млн. сўм	21181,8	30156,6	34754
шу жумладан енгил саноат моллари	млн. сўм	9291,9	14306,2	16487,6

Озиқ-овқат дастурига асосан 2015 йилда 17 та лойихалар амалга оширилиши белгиланган бўлиб, уларга 7288.0 млн.сўм маблағ сарфланиши белгиланган. Шундан 5288.0 млн.сўмини банк кредитлари ташкил этади. Хозирги кунда дастурга киритилган 7 та лойихалар амалга оширилиб, уларга тадбиркорларнинг 420.0 млн.сўм, 130 млнсўм банк кредити жами 550.0 маблағ сарфланиб, 26 та янги ишчи ўринлари ташкил этилди. Жумладан: Назаров Қодиржон ф/хнинг 120 млн.сўм маблағи эвазига 5 гектар майдонда балиқчилик фермер хўжалиги ташкил қилиниб, 6 та янги ишчи ўринлари яратилди.

Хизмат кўрсатиш дастурига 65 та лойихалар амалга оширилиши белгиланган бўлиб, уларга 9128 млн сўм маблағ сарфланиши белгиланган ва шундан 950 млн.сўмини банк кредити ташкил қилади. Хозирги кунда 34 та лойихалар амалга оширилиб, тадбиркорларнинг 4818.0 млн.сўм маблағлари сарфланди ва натижада 103 та янги иш ўринлари яратилди.

2.2. Наманган вилояти Чуст туманининг қишлоқ хўжалигида инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва аграр соҳада олиб борилаётган ислохотлар таҳлили

2015 йилда туманда чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичиликни ривожлантириш бўйича 19 та лойиҳалар амалга оширилиши белгиланган бўлиб, бунга жами 1683 млн.сўм маблағ сарфланиши (шундан 813.0 млн.сўми банк кредити) ҳамда 98 та янги иш ўринлари яратилиши белгиланган. Йил якуни билан 19 та лойиҳалар амалга оширилиб, уларга жами 1687.0 млн.сўм (шундан 817 млн.сўм банк кредити) маблағ сарфланиши ҳисобига 98 та янги иш ўринлари яратилди.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ерлар жами 25,183 минг гектарни, шундан барча тоифадаги хўжаликларда сабзавот, картошка ва полиз экин майдонлари 5,6 минг гектар ва боғлар 5,494 минг гектарни ташкил этади

2016 йилда дастурга асосан 11,5 млрд.сўмлик (шундан 9,5 млрд.сўм банк кредити) 38 та лойиҳалар амалга оширилиши белгиланган бўлиб, шундан чорвачилик йўналишида 8,6 млрд.сўмлик (шундан 7,5 млрд.сўм банк кредити) 12 та лойиҳалар, эчкичилик йўналишида 775 млн.сўмлик (шундан 613 млн.сўм банк кредити) 11 та лойиҳалар, паррандачилик йўналишида 500 млн.сўмлик (шундан 300,0 млн.сўм банк кредити) 1 та лойиҳа, қуёнчилик йўналишида 151 млн.сўмлик (шундан 98 млн.сўм банк кредити) 1 та лойиҳаси, балиқчилик йўналишида 500,0 млн.сўмлик (шундан 380,0 млн.сўм банк кредити) 5 та лойиҳалар, асаларичилик йўналишида 310,0 млн.сўмлик (шундан 380,0 млн.сўм банк кредити) 4 та лойиҳалар, боғдорчилик йўналишида 570 млн.сўмлик (шундан 405 млн.сўм банк кредити) 4 та лойиҳалар амалга оширилиши натижасида жами 229 та янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган.

2015 йилда чорвачилик йўналишида 5 та лойиҳалар амалга оширилиши белгиланган бўлиб, йил якуни билан 5 та лойиҳалар амалга оширилди. бунга жами 788 млн.сўм маблағ сарфланиб, шундан 648 млн.сўмини банк кредити, 140 млн.сўм ташаббускорлар ўз маблағини ташкил этди. Натижада 24 та янги иш ўринлари яратилди.

2016 йилда чорвачилик йўналишида 8,6 млрд.сўмлик (шундан 7,5 млрд.сўм банк кредити) 12 та лойиҳалар, шундан 9 та лойиҳа эгалари томонидан 384 та четдан насли қорамол олиб келиш ҳамда 5 та лойиҳа эгалари томонидан 330 та маҳаллий қорамол боқиш режалаштирилган. Натижада 106 та янги иш ўринлари яратилиши ҳамда қўшимча 34,5 тонна гўшт ва 577 тонна сут маҳсулотлари етиштиришга эришилади.

2016 йилда эчкичилик йўналишида 775 млн.сўмлик (шундан 613 млн.сўм банк кредити) 11 та лойиҳалар, шундан 11 та лойиҳа эгалари томонидан 330 та маҳаллий эчки боқиш режалаштирилган. Натижада 39 та янги иш ўринлари яратилиши ҳамда қўшимча 1,5 тонна жун маҳсулотлари етиштиришга эришилади.

2016 йилда паррандачилик йўналишида 500 млн.сўмлик (шундан 300 млн.сўм банк кредити) 1 та лойиҳалар, 1 та лойиҳа эгалари томонидан 10000 бош парранда (гўшт йўналишида) боқиш режалаштирилган. Натижада 10 та янги иш ўринлари

яратилиши ҳамда қўшимча 45 тонна товук гўшти маҳсулотлари етиштиришга эришилади.

2016 йилда балиқчилик йўналишида 560 млн.сўмлик (шундан 380 млн.сўм банк кредити) 1 та лойихалар, шундан 1 та лойиха эгалари томонидан 31 гектар майдонда режалаштирилган. Натижада 22 та янги иш ўринлари яратилиши ҳамда қўшимча 58 тонна балиқ маҳсулотлари етиштиришга эришилади.

2016 йилда асаларичилик йўналишида 310 млн.сўмлик (шундан 170 млн.сўм банк кредити) 4 та лойихалар, шундан 4 та лойиха эгалари томонидан 600 та асалари оиласи шакллантириш режалаштирилган. Натижада 14 та янги иш ўринлари яратилиши ҳамда қўшимча 1.5 тонна балиқ маҳсулотлари етиштиришга эришилади.

2016 йилда боғдорчилик йўналишида 570 млн.сўмлик (шундан 405 млн.сўм банк кредити) 4 та лойихалар, шундан 4 та лойиха эгалари томонидан 21 гектар майдонда интенсив боғ, 5 гектар узумчилик хўжалиги ташкиллаштириш режалаштирилган. Натижада 33 та янги иш ўринлари яратилиши ҳамда 2018 йилдан бошлаб қарийб 300 тонна мева маҳсулотлари етиштиришга эришилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш

2013-2015 йиллар

Кўрсаткичлар	Ўлчов Бирлиги	Миқдори		
		2013 йил	2014 йил	2015 йил
Қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқариш	млрд. Сўм	242,1	287,5	317,3
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	109,6	108,4	106,6
Шу жумладан қишлоқ хўжалик корхоналарида	млрд. сўм	0,5	0,9	0,99

Кўрсаткичлар	Ўлчов Бирлиги	Миқдори		
фермер хўжаликларида	млрд. сўм	66,9	75,3	83,1
деҳқон хўжаликларида	млрд. сўм	174,7	211,3	232,9

3.2.1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш

2013-2015 йиллар

Кўрсаткичлар	Майдони, га			Етиштирилган маҳсулот, минг тонна		
	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил
Жами экин майдони	24542	24857	24857	х	х	х
шундан фермер хўжаликларида	21198	21494	21494	х	х	х
Жами дон ва дуккакли дон	12778	13012	13012	59,0	62,6	63,1
шундан фермер хўжаликларида	11124	11336	11336	45,0	47,0	46,9
шу жумладан ғалла	12028	12175	12175	50,8	53,2	52,8
шундан фермер хўжаликларида	10987	11128	11128	44,1	46,0	45,7
Картошка майдони	746	799	799	26,0	28,1	29,9
шундан фермер хўжаликларида	19	69	69	3,4	3,4	3,5
Сабзавот майдони	782	791	791	47,1	51,0	52,5
шундан фермер	62	70	70	7,6	7,8	7,9

Кўрсаткичлар	Майдони, га			Етиштирилган		
				махсулот,	минг	тонна
хўжаликларида						
Полиз майдони	97	103	103	5,6	6,1	6,3
шундан фермер хўжаликларида	20	25	25	0,8	0,8	0,88
Мева	3444	3444	3444	26,5	29,7	31,0
шундан фермер хўжаликларида	2356	2356	2356	9,1	9,3	9,3
Узум	1430	1430	1430	8,7	9,7	9,7
шундан фермер хўжаликларида	1190	1190	1190	4,2	4,3	4,3
Озуқабоп экинлар-жами майдони	2529	2532	2532	х	х	Х
шундан фермер хўжаликларида	2447	2450	2450	х	х	Х
Техника экинлари –жами майдони	7610	7620	7620	19,0	17,3	17,4
шундан фермер хўжаликларида	7526	7544	7544	18,8	17,1	17,3
шу жумладан, пахта	7550	7549	7549	18,7	17,0	17,3
шундан фермер хўжаликларида	7501	7509	7509	18,6	16,9	17,3

**2013-2015 йилларда туманда асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб
чиқарилиши**

№	Ишлаб чиқарилган асосий турдаги маҳсулотлар	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2014 йилга нисбатан ўсиш сурати
1	Гўшт и/ч	7600	8220	8934	108,7
2	Сут и/ч	60000	64805	70400	108,6
3	Олинган тухум	13456	17081	21800	127,6
4	Олинган асал	36,6	37,6	47	125
5	балиқ и/ч	81	100	114	114
6	Сабзавот	47101	51000	52500	102,9
7	Мева	26502	29705	31001	104,4

8	Узум	8702	9705	9750	100,5
---	------	------	------	------	-------

Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, Чуст тумани ҳокимлиги томонидан чоратадбирлар доимий ва узлуксиз равишда кўриб борилади. Маҳаллий шароитда аҳолининг фаровон яшаши учун барча қулайликлар яратиб борилмоқда.

Чуст туманида аҳоли сони ўсиб борган сари унинг таркибидаги меҳнат ресурсларининг ортиши кузатилади. Ўз-ўзидан маълумки, меҳнат ресурсларининг кўпайиши жамиятнинг ривожланиши учун яхши. Аммо меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш учун янги иш ўринлари яратиб бориш керак. Хусусан, Чуст туманида жами хўжалик юритувчи субъектлар томонидан яратилган янги иш ўринлари йилдан йилга ўсиб боровчи тенденцияни олган.

Чуст тумани вилоятимиз иқтисодийётининг таркибий қисмидир. Вилоятимиз иқтисодийёти эса мамлакатимиз, яъни миллий иқтисодийётимизнинг тақибини ташкил этади. Шундай экан ҳар бир кичик тумандаги ривожланиш, дастлаб вилоят, сўнг миллий иқтисодийётни ривожига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Кейинги йилларда инвестициялардан фойдаланиш масалалари ўзига хос ривожланиб бормоқда.

Чуст туманида инвестиция фаолиятини ташкил этиш деганда, тумандаги ҳар бир мулк эгаси, ишбилармонлик ва тадбиркорлик билан шуғулланувчи шахсларнинг фаол иштирокини тушуниш керак. Инвестиция фаолияти билан шуғулланувчи мулк эгаси тез ўзгарувчан бозор иқтисодийёти ва унинг кўпқиррали муносабатларини ҳар томонлама англай билиши лозим. Инвестиция фаолиятини юритишда иқтисодий ахборотга танланган соҳа бир бутун иқтисодийёт ва мамлакат миқёсида маркетинг билимларига эга бўлиши алоҳида аҳамиятга эга. Чунки барқарорлашмаган иқтисодийётда инвестор пул муомаласи, молия кредит ва банклар, солиқ сиёсати моҳиятини чуқур билмай туриб, инвестиция фаолиятини ташкил этиш таваккалчилик билан боғлиқ бўлиб, қисқа давр ичидаги инқирозга учраши мумкин.

Ҳозирги даврга келиб, Чуст туманида бозор муносабатлари тобора ривожланиб бормоқда. Бундай ривожланиш сари туман миқёсида инвестиция фаолияти қуйидаги йўналишларда олиб борилади:

- фуқаролар, давлатга қарашли бўлмаган корхоналар, хўжалик ассоциациялари, жамоа ва ўртоқлик хўжаликлари ҳамда жамоа мулкчилиги асосида ташкил этилган диний ташкилотлар, нодавлат корхоналари ва муассасалари томонидан;

- давлатни маъмурий ва бошқарув бўлинмалари, ташкилотлари ҳамда давлат корхоналари ва муассасалари томонидан;

- чет эл фуқаролари, хусусий фирмалар, ассоциациялар, компаниялар ва ҳуқуқий шахслари ҳамда бошқа давлатлар томонидан;

- қўшма корхона кўринишида маҳаллий ва чет эл фуқаролари, ҳуқуқий шахслар ва давлатлар билан ҳамкорликда.

Мулкчиликни турли шакллари ривожланиши, тадбиркорлик ва ишбилармонликни йўлга қўйилиши, жаҳон иқтисодий алоқаларини тараққий этиши, қўшма корхоналарни иқтисодийётни барқарорлаштиришда ролини ортиши инвестиция фаолиятини тўла ташкил этиш учун зарур бўлган имкониятларни яратади.

Мулкчиликнинг турли шакллари вужудга келиши, ўз навбатида тадбиркорликнинг ривожланиши, чет эл капиталининг кириб келиши инвестиция фаолиятини ташкил этиш йўналишларини ҳам аниқлаб беради.

Чуст туманида инвестицияларни иқтисодиёт тармоқларига жалб этишдаги асосий манбалар асосан ички молиялаштиришдан иборат бўлди. Туманда марказлаштирилган инвестициялар таркибига қуйидагилар киради:

- бюджет маблағлари;
- бюджетдан ташқари фондлар маблағлари;
- ҳукумат кафолати остидаги ҳорижий инвестициялар ва кредитлар.

Бунда асосан бюджет маблағлари асосидаги инвестициялардан кенг фойдаланилди. Масалан, 2010 йилда бюджет маблағларидан иборат инвестициялар ҳажми Чуст тумани бўйича олганда 4235,9 млн. сўмни ташкил этди. 2011 йилда эса худди шундай инвестициялар 2780,6 млн. сўмни ташкил этган. Бу ерда шунини қайд этиш

3.7. Ташқи иқтисодий фаолият

2015 йил (йиллик)

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Миқдори
Ташқи савдо айланмаси	минг АҚШ дол.	24443,0
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	151,3
Экспорт	минг АҚШ дол.	19101,7
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	110,4
<i>шу жумладан:</i>		
Пахта толаси	минг АҚШ долл.	
Кимёвий маҳсулотлар	минг АҚШ долл.	
Рангли ва қора металллар	минг АҚШ долл.	
Машина ва асбоб ускуналар	минг АҚШ долл.	
Озиқ-овқат моллари	минг АҚШ долл.	211,0
Энергия қуввати манбалари	минг АҚШ долл.	
Амалга оширилган хизматлар	минг АҚШ долл.	
Бошқалар	минг АҚШ долл.	16890,7
шу жумладан кичик тадбиркорлар	минг АҚШ дол.	2000,0
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	115,8
Импорт	минг АҚШ дол.	5341,3
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	64,5
<i>шу жумладан:</i>		
Пахта толаси	минг АҚШ долл.	
Кимёвий маҳсулотлар	минг АҚШ долл.	1993,5
Рангли ва қора металллар	минг АҚШ долл.	133,3
Машина ва асбоб ускуналар	минг АҚШ долл.	2896,0
Озиқ-овқат моллари	минг АҚШ долл.	11,3
Энергия қуввати манбалари	минг АҚШ долл.	8,1
Амалга оширилган хизматлар	минг АҚШ долл.	
Бошқалар	минг АҚШ долл.	299,0
шу жумладан кичик тадбиркорлар	минг АҚШ дол.	3659,2
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	64,4
Рўйхатга олинган чет эл инвестицияси мавжуд корхоналар сони	бирлик	5

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Микдори
<i>шу жумладан:</i>		
Фаолият кўрсатаётганлари	<i>бирлик</i>	5
Фаолият кўрсатмаётганлари сони	<i>бирлик</i>	
Қўшма корхоналарда ишлаётганлар сони	<i>киши</i>	107
Яратилган маҳсулот, амалга оширилган хизматлар, ишлар амалдаги улгуржи нархларда (баҳоларда)	<i>млн. сўм</i>	1011,0
Чет эл инвестицияси мавжуд корхоналар томонидан амалга оширилган экспорт ҳажми	<i>минг АҚШ долл.</i>	211,0

Маълумки, мамлакатимиз иқтисодиётини интеграциялашда вилоятимизда хорижий инвестицияларнинг тутган ўрни алоҳида аҳамиятга эгадир. Ҳозирги кунда вилоятимиз иқтисодиётини глобаллаштириш жараёнини ҳаракатга келтирувчи кучлардан бири сифатида бевосита хорижий инвестициялар жалб қилинмоқда. Чет эл инвестицияларни имкони борича кўпроқ жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш, иқтисодиётнинг реал секторларини тараққий эттириш қоят долзарб бўлиб қолмоқда.

Чуст туманига хорижий инвестициялар ва замонавий технологияларни кенг жалб этиш, уларга нисбатан очик эшиклар сиёсатини изчиллик билан амалга ошириш, янгидан-янги, тўла қувват билан фаолиятини амалга оширадиган ва рақобатбардошли маҳсулотлари билан жаҳон бозорларида ўз ўрнини эгаллай оладиган қўшма корхоналарни йилдан-йилга кўпайтиришга, маҳаллий хом ашё ва ишчи кучларидан фойдаланган ҳолда импорт ўрнини босувчи ва экспортбop маҳсулотларга, шу жумладан ҳалқ истеъмoли молларини ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирги кунда, Россия, Туркия ва Хитой давлатлари Чуст туманига йирик сармоя киритаётган инвесторлардан бири бўлмоқда. АҚШ, Германия, Италия, Англия, Япония, Швейцария, Голландия, Испания, Канада, Франция, Хитой, Литва, Гонконг, Польша, Исроил, Грузия, Чехия, Покистон, қирғизистон, қозоғистон ва бошқа мамлакатлар инвесторларининг вилоятга бўлган қизиқиши йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Чуст туманида маркказлашмаган инвестициялардан фойдаланиш ҳам йўлга қўйилган бўлиб, бундай инвестициялар таркиби қуйидагилардан иборат:

- корхоналарнинг ўз маблағлари;
- тижорат банклари кредитлари;
- тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар;
- аҳоли маблағлари;
- бошқалар.

—ҳаракатдаги ва ҳаракатда бўлмаган мулклар (бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, ҳамда бошқа моддий бойликлар);

—муаллифлик ҳуқуқи, ноу-хаулардан ташкил топган мулкдорлик ҳуқуқлари ва бошқа интеллектуал бойликлар;

–ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари ҳамда мулкчилик ҳуқуқлари;

–бошқа бойликлар.

Ҳозирги кунга келиб Чуст туманида инвестициялар таркибида ҳукумат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар, шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажмини ошириш мақсадидаги чора-тадбирлар жиддий кўриб борилмоқда. Чунки хорижий инвестицияларни жалб этиш туман иқтисодиётини ривожланирилишида жад зарур.

Чуст туманида хорижий инвестицияларни жалб этиш ва бошқариш соҳасида такомиллаштириш масалаларига чуқурроқ эътибор қаратилмоқда. Чунки бу туманда сўнгги уч йил мобайнида хорижий инвестициялар жалб этилмаган. Иқтисодиёт тармоғига жалб этилган инвестициялар асосан марказлашган ва марказлашмаган инвестициялар таркибидаги қуйидаги соҳаларда амалга оширилди:

- бюджет маблағлари;
- бюджетдан ташқари фондлар маблағлари;
- корхоналарнинг ўз маблағлари;
- тижорат банклари кредитлари;
- аҳоли маблағлари.

Бирок, бундай инвестициялар мамлакатнинг ички манбалари ҳисобидан амалга оширилганлигини кўрсатади. Чуст туманида ташқаридан кириб келаётган инвестициялар амалга оширилмаган. Бундай инвестициялар таркибига қуйидагилар киради:

- ҳукумат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар;
- тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар.

Бунга туман раҳбарияти томонидан бир қатор чора-тадбирлар қўлланилмоқда. Чунки туман ишбилармонлари хорижий инвестицияларни жалб этишда ҳали қатор ҳал этилмаётган муаммоларга дуч келмоқдалар.

Чуст туманида хорижий инвестицияларни жалб этиш ва бошқариш йўлидаги иқтисодий жиҳатдан салбий тўсиқлар кўп ҳолларда белгиланган ишларнинг аҳволи қониқарсиз эканлигини кўрсатмоқда. Фақат Чуст туманида эмас, балки аксарият вилоятларида ишлаб турган қўшма корхоналарнинг деярли кўпчилиги ўзининг фаолиятини ташкил этишда кўп қийинчиликларга дуч келмоқдалар.

Хорижий инвестицияларни жалб этиш ва бошқариш ҳамда бозор субъектларининг пухта ишланган лойиҳалари ва истиқболий ташаббуслари зарур молиявий ресурслар ва амалий қўллаб-қувватлаш тизимининг суств фаолиятига кўра турли сабаблар натижасида амалга оширилмай қолиб кетмоқда. Шу туфайли хорижий инвестицияларни жалб этиш ва бошқаришга асосланган корхоналарнинг банкротга учраши ҳоллари рўй бермоқда.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, хорижий инвестициялар асосида фаолият кўрсатаётган субъектлар ўзларининг банкротлик ҳолатларини ички омиллардан кўра кўпроқ ташқи омилларга боғлиқлигини таъкидламоқдалар. Бошқача қилиб айтганда, корхонанинг ички муҳитидан кўра корхонанинг ташқи муҳити билан боғлиқ иқтисодий муаммоларни ҳал этиш анча мураккабликларни келтириб чиқармоқда.

Кўпчилик хорижий инвестиция асосида ташкил этишган корхоналарда ички омиллар ҳам сезиларли даражада корхона фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Айрим кўшма корхоналарга ажратилган кредит маблағларидан мақсадли фойдаланмаяптилар. Бизнес-режа тузишни, маркетинг хизматларидан фойдаланишни яхши ўзлаштириб олмаганлар. Уларда молия ва ишлаб чиқариш интизоми жуда суст.

Эътиборлиси шундаки, кўпчилик тадбиркорлар структурасида, айниқса, ишлаб чиқариш билан банд бўлган тадбиркорлар доирасида айланма маблағга муҳтожлик сезилмоқда. Қарзга олинган маблағ фоизлари ва кредит беришнинг талабларига ҳар доим ҳам қодир бўлмагани учун банк кредитларидан ҳар ким ҳам фойдалана олмайди.

Бугунги кунда хорижий инвестицияларни жалб этиш ва бошқаришни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳукумат комиссияси бир қатор чора-тадбирлар кўриб бормоқда. Бу ҳақидаги мулоҳазалар шахсан, Президентнинг бир қатор нутқларида ҳам қаттиқ таъкидлаб ўтилган.

Жойларда ҳокимият ва бошқарув органларининг хорижий инвестицияларни жалб этиш ва бошқаришда йўл қўйган камчиикларини ҳам инкор этиб бўлмайди.

Ҳар бир киши ўз бизнесининг эгаси эканлигини хис қилиши, унинг ўзига бериб қўйилган эркинликлардан ва ҳуқуқий қафолатланган имкониятлардан фойдаланиб машаққатли меҳнат билан қўлга киритилган даромадини ихтиёрий ҳолда самарали ўзлаштириши лозим. Энг асосийси – кичик ва хусусий бизнес фаолиятини юритишда мулкнинг дахлсизлиги қонуннинг ишлаш механизмига эътибор бериш керакки, у ҳар бир бизнесменга манфаатдорлик билан меҳнат қилиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотни мустақил тасарруф этиш, ўз корхонасининг ёки оиласининг (оилавий бизнес) маъмурчилигини таъминлаш имконини берсин. У ўз мулкнинг ҳақиқий эгаси бўлгани учун уни чекланмаган ҳолда ишлатади. Бу ҳақида ҳам мавжуд қонунлар, фармонларда қайд этилган. Амалда эса мулкни тасарруф этишда ҳам жиддий камчиликлар юзага келганки, мулкнинг дахлсизлиги қонуннинг ишлаш механизми тўлақонли амалга оширилмаяпти.

Мулк объекти эркинлик, мустақиллик асосида ўзининг субъекти томонидан ихтиёрий тарзда ўзлаштирилиши керак. Лекин айрим раҳбар ходимларнинг боқимандалик руҳияти сақланиб қолганки, улар кичик бизнес субъектларига «хомийлик қилиб беринг» қабилда бюрократик муносабатларни ханузгача давом эттирмоқдалар. Хатто уларнинг ҳисоб рақамларидаги миқдорнинг ҳажмига қараб «хомийлик»ни белгилашади. Бу эса ҳар қандай бизнес юритувчи шахс ўз ҳисоб рақамидаги суммани сир тутишига ҳаққи борлигини ва уни давлат томонидан ҳуқуқий қафолатланишини тан олмаслиқдир. Бундай ҳолат кичик ва хусусий бизнес субъектлари томонидан олинishi керак бўлган даромадга ҳам салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди, албатта.

Аксарият ҳолларда моддий-техника ресурсларини олишда тадбиркорлар билан давлат корхоналари ўртасидаги тенг ҳуқуқлилиқка риоя қилинмаяпти. Ҳокимликларнинг раҳбарлари йирик корхоналарнинг маҳаллалар билан узвий алоқасини таъминлайдиган янги ташкилий шакллари яратиш, қишлоқ жойларида бу корхоналарнинг бўлимларини ва цехларини ташкил этиш бўйича самарали чора-тадбирларни кўрмаяптилар.

Хулоса шундан иборатки, бугунги кунда хорижий инвестицияларни жалб этиш ва бошқариш учун республикада барча ҳуқуқий шарт-шароитлар мавжуд ва бу соҳадаги ишлар ҳали давом этмоқда. Бироқ янгича иқтисодий тафаккурнинг заифлиги туфайли қонунга амал қилмаслик, тартиббузарлик, қонунни «айланиб ўтиш» ҳолатлари хорижий инвестициялардан фойдаланишда, умуман иқтисодиётнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундай вазият бозор тизимининг такомиллашмаган кўринишини намоён этиши мумкин.

Фикримизча, бугунги кунда айрим ходим ва раҳбарларнинг ножўя хатти-ҳаракатлари туфайли хорижий инвестицияларни жалб этиш ва бошқаришда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишида жузъий муаммолар пайдо бўлган. Шу боис, ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида ушбу муаммоларни бартараф этишга доир масалаларни ҳал этиш давлат сиёсатида ҳам муҳим аҳамият касб этади ва бугунги кунда иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизация қилиш нуқтаи назаридан долзарбдир.

III-БОБ. Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш жараёнида қишлоқ хўжалиги тармоғига инвестициялар жалб қилиш

3.1. Қишлоқ хўжалигига жалб қилинаётган инвестициялар ва уларнинг йўналишлари

2015 йилда иқтисодиётимизга қарийб 16 миллиард доллар қийматидаги инвестиция киритилди ва бу асосий фондлар умумий ҳажмининг салкам 23,3 фоизини ташкил этади. Ўтган 5 йил давомида иқтисодиётимизга жами бўлиб қарийб 67 миллиард доллар инвестиция йўналтирилди, бунинг 21 фоиздан ортиғи хорижий инвестициялардир. Бунинг натижасида мамлакатимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб бормоқда, ишлаб чиқариш ва саноат жадал суръатлар билан ривожланмоқда, унинг таркиби тубдан янгиланмоқда, юқори технологияларга асосланган замонавий корхоналар ишга туширилиб, ишлаб чиқариш модернизация ва диверсификация қилинмоқда, иқтисодиётимизнинг рақобатдошлиги ошмоқда. Қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиши тармоқда мавжуд бўлган ишлаб чиқариш воситалари оқилона тарзда такрор ишлаб чиқарилишини талаб этади. Бу жараён ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш, қайта таъмирлаш, қуриш, инновацион ҳамда ижтимоий муносабатлар йиғиндисидан ташкил топади.

Барча инвестициялар (капитал қўйилмалар) қуйидаги йирик иккита манбадан шакллантирилиб, амалга оширилади:

- корхонанинг ўз маблағларидан;
- четдан жалб қилинган маблағлардан.

Корхонанинг ўз маблағларига қуйидагилар киради:

- корхонанинг соф фойдасидан ажратилаётган маблағлар;
 - амортизация фондидаги маблағлар;
- асосий воситаларни тугатишдан, сотишдан келиб тушган маблағлар;
 - уларни ижарага беришдан тушган маблағлар;

Юқоридагилардан ташқари, қишлоқ хўжалиги корхоналари учун капитал қўйилмалар манбаи чорва ҳайвонларини сотишдан тушган маблағлар, Устав фондини кўпайтириш учун қилинган ажратмалар ҳам ҳисобланади.

Четдан жалб қилинган маблағлар эса:

- қишлоқ хўжалиги учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;
- ҳамкорлардан олинadиган маблағлар;
- турли хил қарзлар, шу жумладан, тижорат банкларидан олинadиган кредитлар;
- хўжалик аъзоларининг бўш ётган маблағларини жалб этиш;
- хорижий, давлат корхоналари ҳамда шахсий корхоналар ва фуқароларнинг маблағлари;
- хайрия фондларидан, ҳомийлар ажратаётган маблағлари ва бошқалар.

Четдан жалб қилинган маблағлар орасида банк кредитлари алоҳида ўрин тутади. Улар ишлаб чиқариш фаолияти натижаларидан қатъий назар, алоҳида корхоналар эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда капитал қўйилмаларни амалга оширишга имкон беради. Банк кредитлари корхона ўз маблағларининг капитал қўйилма учун керакли миқдорини йиғмасдан туриб инвестиция жараёнини тезлаштиради. Кредитлар капитал қўйилма манбаи сифатида нафақат капитал

қурилишда, балки янги техникани жорий қилишда ҳам ишлатилади. Капитал қўйилмаларнинг асосий вазифаси – тармоқ маҳсулотини қўпайтириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиш суръатлари тезлаштирилишини таъминлашдир.

Капитал – корхона молиявий натижаларининг бир қисми бўлиб, айланма фондларга қўйилиб, даромад келтиради. Капиталнинг айланма фондларга қўйилиши тўғри портфелли инвестициялар орқали амалга оширилади.

Чет эллик инвесторлар асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, шунингдек, чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад республика ҳудудида чет эл инвестициялари ҳисобланади.

Улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

- республика қишлоқ хўжалигидаги юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг Устав жамғармаларида ва бошқа мол-мулкида улуш қўшиб қатнашиш;
- тармоқда чет эллик инвесторгарга тўлиқ қарашли бўлган хўжалик жамиятлари ва ширкатлари, банк, суғурта ва бошқа корхоналарни барпо этиш ва ривожлантириш;
- мол-мулк, акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан эмиссия қилинган қарз маблағларини сотиб олиш;
- интеллектуал мулкка, шу жумладан, муаллифлик ҳуқуқлари, патентлар, фирма номлари ва ноу-хауларга, шунингдек, ишчанлик нуфузига (гудвиллга) ҳуқуқлар киритиш ва бошқалар.

Уларни чет давлатлар ёки бу давлатларнинг қуйидаги ҳудудий органлари амалга оширадилар:

- давлатлараро битимлар ёки бошқа шартномаларга мувофиқ ташкил топган ёки халқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари бўлган халқаро ташкилотлар;
- чет давлатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил топган ва фаолият кўрсатиб келаётган юридик шахслар, ширкатлар, уюшма ва ташкилотлар;
- чет эл фуқаролари бўлмиш жисмоний шахслар ва бошқалар.

Чет эл инвесторлари инвестициялари Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги (1998 й) қонуни талаблари асосида амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалигига инвестицияларни сарфлашдан мақсад–қўшимча фойда олиш ва фуқароларнинг яшаш шароитини яхшилашдир. Уларнинг даражасини лойиҳалар тузишда ҳамда бу лойиҳаларни амалга оширишда аниқлаш мумкин. Бунинг учун инвестициялар (капитал қўйилмалар)нинг иқтисодий самарадорлиги аниқланади. Иқтисодий самарадорлик харажатлар билан фойда суммалари таққосланиши натижасида аниқланади. У:

- макроиқтисод, яъни мамлакат миқёсида;
- мезоиқтисод, яъни тармоқлар (қишлоқ хўжалиги) миқёсида;
- микроиқтисод, яъни қишлоқ хўжалик корхоналари доирасида;

- айрим йўналишлар, объектлар бўйича ҳам аниқланади.

Макро ҳамда мезоиктисод миқёсида инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлиги уларнинг мутлақ (абсолют) иқтисодий самарадорлиги коэффиценти кўрсаткичи ёрдамида ифодаланади. Унинг даражаси сарфланган инвестициялар натижасида ялпи ички маҳсулотнинг ўсган суммасини шу ўсишни таъминлаган инвестиция суммасига нисбати билан аниқланади.

Инвестициялар – аксарият ҳолларда узоқ муддатга мўлжалланган харажатлардир. Шунинг учун уларнинг бир неча йиллар давомидаги иқтисодий самарадорлигини аниқлашда қиёсий баҳолардан фойдаланиш лозим. Бунда инфляция даражаси ҳисобга олинади. Ҳозирги даврда қишлоқ хўжалигида қиёсий баҳо сифатида 1996 йилги ўртача баҳолар асос қилиб олинмоқда. Келажакда бу баҳолар ўзгариши мумкин.

Шундай ҳолларда инвестициялар (капитал қўйилмалар) нинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда қуйидаги усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

- лойиҳанинг ўзини-ўзи қоплаш усулини аниқлаш;
- компаундинг (мураккаб фоизлар) усули;
- дисконтлаш усули.

Ўзини-ўзи қоплаш муддати – амалга оширилаётган лойиҳанинг фойдаси ҳисобидан дастлабки инвестиция миқдорини қоплаш даври. Уни ҳисоблашда соф фойда молиявий харажатлар, фоизлар ва амортизация ажратмалари эътиборга олинади.

Қишлоқ хўжалигида сарфланган инвестициялар (капитал қўйилмалар) доимо ҳам фойда суммаси ошишини таъминламайди, бўлки ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ёки маҳсулот етиштириш учун қилинган ўртача харажатлар (маҳсулот таннарни) камайтишига ҳам олиб келади. Шундай ҳолларда уларнинг иқтисодий самарадорлик даражаси тежалган маблағ қийматини сарфланган капитал қўйилма суммасига тақсимлаб ҳам аниқланади

Ички ва ташқи бозорнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабини қондириш энг долзарб муаммодир. Уни ҳал этиш учун инвестиция (капитал қўйилма)ларни сарфлаш зарур. Бунинг учун эса сиёсий, минтақавий, иқтисодий ҳамда ижтимоий барқарорликни таъминлаш даркор. Республикада бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш даврида юқорида таъкидланган шароитлар яратилмоқда.

Республикада сиёсий-иқтисодий барқарорлик қишлоқ хўжалигига инвестициялар жалб этилишига имконият бермоқда. Унинг ривожланишини таъминлаш мақсадида инвестицион сиёсатнинг ҳуқуқий асослари ҳам барпо этилган. Уларнинг мавжудлиги сўнгги йилларда тармоққа маълум миқдорда инвестиция (капитал қўйилма)лар сарфланишини таъминламоқда

Келажакда қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини талаб даражасида барпо этиш, меҳнат ресурсларининг билимларини, малакаларини, тажрибаларини ошириш учун инвестиция (капитал қўйилма)лар сарфлашни давом эттириш керак. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун, аввало, давлат ҳамда маҳаллий бюджетлардан ажратилаётган инвестицион маблағларни ўз вақтида олишга эришиш керак. Шу билан бирга тармоқ, корхоналар иқтисодиётини юксалтириш натижасида уларнинг фаолиятини келажакда инвестициялаш учун кўпроқ маблағ ажратилишини

таъминлашга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Бунда корхоналар ихтиёридаги фондларнинг маблағларини ҳам оқилона сарфлашга ҳаракат қилиш керак. Чунки улар инвестициялар кўламини кенгайтиришнинг реал манбалари ҳисобанади.

Қишлоқ хўжалигига талабни қондирадиган даражада инвестиция (капитал қўйилма)лар сарфланишини келажакда ишончли таъминлаш учун инвестицияларни амалга оширувчи юридик ҳамда жисмоний шахслар кўламини кенгайтириш талаб этилади. Бундай шахслар республика ёки чет давлатлардан бўлиши мумкин. Бунда, ҳозирги даврда қишлоқ хўжалигидаги инвестицион жараёни шакллантиришда суҳ қатнашаётган инвесторларни интенсивроқ жалб этишга алоҳида эътибор бериш лозим.

3.2. Қишлоқ хўжалиги соҳасига жалб қилинадиган инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлик омиллари

Президент Ислам Каримовнинг “Ўзбекистонда Озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида (07.06.2014 й. Самарқанд) таъкидлаб утдики “Совет даврида пахта яккаҳоқимлиги ва қишлоқ хўжалигини бирёқлама ривожлантириш натижасида унумдор ерлар ва ажойиб табиий-иқлим шароитига эга бўлган Ўзбекистонда аҳоли жон бошига гўшт ва суҳ маҳсулотлари, ғалла ва мева-сабзавот ва картошка истеъмол қилиш собиқ Иттифоқнинг бошқа республикаларига қараганда икки баробар камайиб кетган эди”.

Бу борада қўрилган чора-тадбирлар туфайли ғуза экиладиган майдонлар икки баробар қисқарди ва пахта етиштириш 6 миллион тоннадан 3 миллион тоннадан сал купрок бўлган даражагача камайди. Пахтадан бўшаган ерларни озиқ-овқат экинлари учун ажратиб берилди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ислоҳ қилишнинг асосий негизини кенг кўламли институтчионал узғаришлар ташкил этди, уларнинг мазмун-моҳияти маъмурий ва режали-тақсимот тизимидан воз кечиш ва бозор муносабатларига ўтишдан иборат эди.

Қишлоқ хўжалиги ерлари янгитдан ташкил этилган хусусий фермер хўжаликларига ижара асосида ер участкалари ажратиш орқали, давлат томонидан зарур имтиёз ва преференциялар яратиш йули билан берилди. Хусусан, фермерлар соддалаштирилган солиқ солиш тизимидан фойдаланмоқда - улар фақат битта солиқ, яъни ягона ер солигини тулашмоқда. Фермерлар учун ажратиладиган кредитлар ставкаси 5 фоиздан ошмайди.

Фермер хўжаликларига барча турдаги зарур хизматлар кўрсатадиган ишончли бозор инфратузилмасининг ташкил этилгани қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишда муҳим рол ўйнамоқда. Айни пайтда қишлоқ жойларда 1,5 мингдан зиёд минибанқ қарийб 2 мингта машина-трактор парки, ёқилғи ва минерал уғит сотиш буйича 2,5 мингта яқин пункт хизмат кўрсатмоқда. Бундан ташқари, 1,5 мингта суҳ дан фойдаланувчилар уюшмаси, 350 дан ортик консалтинг марказлари ташкил этилди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини замонавий техника билан таъминлаш учун Германиянинг «Клаас» ва «Лемкен» компаниялари билан ҳамкорликда мамлакатимизда энг замонавий тракторлар, ғалла ўрадиган комбайнлар, плуг ва бошқа

тиркама ускуналар ишлаб чиқарилмоқда.

Ўзбекистоннинг кўплаб минтақалари қисқа муддатда жаҳон бозорида харидоргир бўлган мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштирадиган ва экспорт қиладиган ҳудудларга айланди. Юртимизда юкори ҳосил берадиган интенсив боғлар ташкил қилинди, томчилатиб суғориш тизими жорий этилди. Факатгина ўтган йили узумчиликни янада ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурда тоқзорларни 1,3 баробар қупайтириш кўзда тутилган.

Истиклол йилларида, яъни ўтган 23-йил давомида кишлоқ хўжалигида амалга оширилган туб ислохотлар натижасида ғалла етиштириш ҳажми 1 миллион тоннадан 7,8 миллион тоннага етди ва Ўзбекистон ғалла экспорт қиладиган мамлакатлар қаторидан жой эгаллади.

Авваллари аҳолини боқиш учун 5 миллион тонна буғдойни четдан сотиб олинар эди. Эндиликда эса ғалла мустақиллигига эришибгина қолмасдан, жуда сифатли буғдойни қушни давлатларга экспорт қилишга ҳам муваффақ бўлинмоқда.

Кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2 баробардан зиёд ошди. Бу мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 10 миллион кишига ёки 30 фоиздан ортиқ қупайишига қарамасдан, жон бошига туғри қиладиган гўшт истеъмолини 1,3 баробар, сут ва сут маҳсулотларини 1,6 қарра, картошкани 1,7 баробар, сабзавотларни 2-мартадан зиёд, меваларни қарийб 4 баробар ошириш имконини берди.

Мамлакатимизда ҳар йили 16 миллион тоннага яқин мева ва сабзавот етиштирилмоқда. Аҳоли жон бошига қарийб 300 қилограмм сабзавот, 75 қилограмм картошка ва 44 қилограмм узум туғри қелмоқда. Бу оптимал, яъни мақбул деб ҳисобланадиган истеъмол меъёридан уч баробар қупдир.

Ҳозирги вақтда умумий қиймати қарийб 5 миллиард доллар бўлган озик-овқат, биринчи навбатда, мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилинмоқда. Сунгги уч йилда экспорт қилинаётган кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 3 баробардан зиёд ошди.

Мамлакатимизнинг маҳсулот етказиб берадиган қорхоналари халқаро қурғазма ва ихтисослаштирилган ярмарқаларда фаол иштирок этмоқда. Биз дунёнинг 80 та давлатига 180 тур дан ортиқ сархил мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотларни экспорт қилмоқдамиз. Ўзбекистон уриҚ олхури, узум, ёнгоҚ қарам ва бошқа қуплаб мева ва сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳдҗми бўйича дунёда шундай маҳсулотларни етказиб берадиган унта етакчи давлат қаторига қиради.

Мамлакатимизда озик-овқат маҳсулотлари юкори суръатлар билан ишлаб чиқарилмоқда. Утган 10-йил давомида юртимизда мева ва сабзавот, қолиз маҳсулотлари ва узум етиштириш бўйича эришилган усиш суръатлари айнан шундан қалолат беради.

Мисол учун, 2004-2013-йилларда сабзавот етиштириш доллар ҳисобида 7,7 баробар, мева етиштириш 5,1 қарра, қолиз маҳсулотлари 7,8-март, узум 8,7 баробар у^сД^н- 2020-йилда мева ва сабзавот, узум ва қолиз маҳсулотлари етиштиришни 2014-йилга нисбатан қамида 2,3-март қупайтиришни мулжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 17 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги Инвестиция дастури тўғрисида”ги қарорига асосан Ҳукумат қафолати остида манзилли дастурлар доирасида вазирлик тизимида амалга оширилаётган 20 та лойиҳа бўйича ҳисобот даврида 79,78 млн АҚШ доллари

микдоридаги маблағ жалб этилиб, 81,94 млн АҚШ доллари ҳажмидаги инвестиция ўзлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 февралдаги “2014–2016 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюм ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида”, 2015 йил 15 февралдаги “2015–2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюм ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида”ги қарорлари асосида тизимдаги корхоналар томонидан 13 та лойиҳа бўйича 18 млрд 241,3 млн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Уз-уздан равшанки, мева ва сабзавот маҳсулотлари, узум етиштириш бўйича ана шундай истикбол режалар куйилар экан, бундай курсаткичларга эришиш учун, биринчи навбатда, кишлоқ хужалигини ислоҳ этиш ва модернизация қилиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини ва ирригация тизимини яхшилаш, тупрок унумдорлиги ва ҳосилдорлигини оширишга қаратилган кенг куламли ишларни давом эттириш ва чуқурлаштириш зарур. Бу борада хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва албатта мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга жаҳон бозоридаги талабни ошириш, уларни саклаш, логистика ва истеъмолчиларга етказиб беришнинг замонавий тизимини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилиши даркор.

Озик-овкат маҳсулотлари, биринчи навбатда, сабзавот, мева ва узумни даладан истеъмолчига етказиб беришда нобудгарчиликларнинг олдини олиш бўйича жиддий ишларни давом эттириш зарур. Авваламбор, мева ва сабзавотларни саклайдиган омбор ва музлатгичлар тизими етарли даражада ривожланмагани, логистика ва йул харажатлари билан боғлиқ купгина муаммоларни ечиш талаб этилади.

Юртимизда етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг аксарият қисми янги узилган ҳолда эмас, балки консервация қилинган, қайта ишланган ёки қуритилган ҳолда истеъмол қилинмоқда. Бундай ҳолатда маҳсулотлар узининг сифати, таъми ва тиббиёт нуктаи назаридан истеъмол хусусиятларини маълум даражада йукотади.

Мазкур соҳда сезиларли узгаришлар бўлаётганига қарамадан, маҳсулотни асл холи да саклаш, нарх-наво барқарорлигини таъминлаш, унинг кескин ошиб кетишининг олдини олиш, нарх-навога мавсумий омилларнинг таъсирини қамайтириш ва бошқа масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган барча инфратузилма, ресурс ва имкониятларга эга эмасмиз, бу борада музлатиш, нейтрал газли муҳитда саклаш каби замонавий технологияларни янада қупайтириш талаб қилинади.

Айни пайтда Ўзбекистонда бу йуналишда кенг куламли ишлар амалга оширилмовда. Бугунги кунда жами 190 минг тоннадан зиёд мева ва сабзавотлар савданадиган 274 та замонавий совутгичли камера ва омборларни қуриш ва тулик реконструкция қилиш ишлари ниҳоясига етказилди.

2010-йилда «Навоий» эркин индустриал-иктисодий зонаси ҳудудида 3 минг тоннадан ортиқ сархил мева-сабзавотни нейтрал газли муҳитда саклаш бўйича замонавий қувватлар фойдаланишга топширилди. Ушбу маҳсулотлар халқаро авиатранспорт ёрдамида Европа ва Осиё мамлакатлари бозорларига етказиб берилмовда.

Бунинг учун мамлакатимизда ташкил этилган, Навоий шаҳри халқаро аэропортини уз ичига олган, дунёдаги йирик юк ташиш компанияларидан бири - «Кореан Эйр» компанияси бошқарувида фаолият қурсатаётган интермодал логистика маркази қувватларидан кенг фойдаланмовда.

Хорзирги вақтда мамлакатимизда жами 630 минг тонна маҳсулотни сақлаш қувватига эга булган 1300 дан зиёд омбор мавжуд. Улар да ҳар йили мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий турлари сақланмовда. Бу эса ички бозорда нарх-навони барқарор ушлаб туриш ва кузги-кишки мавсумда ушбу маҳсулотларни экспорт қилишни қаноатли таъминлаш имконини бермовда.

Яқин вақт ичида Ўзбекистон компаниялари Болтик денгизи бўйидаги Лиепай портида бир кеча-кундузда 1,5 минг тонна маҳсулотни сақлаш қувватига эга булган транспорт-логистика марказини ташкил этади. Ушбу марказ орқали мева-сабзавот маҳсулотлари Шимолий ва Ғарбий Европа мамлакатларига тугридан-тугри етказиб берилади.

Халқаро қишлоқ хужалигини ривожлантириш фонди, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки, Глобал экологик фонд, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озик-овқат ва қишлоқ хужалиги ташкилоти каби бошқа қўллаб-қувватловчи институтлар, шунингдек хорижий мамлакатлар ҳукуматлари агентликларининг шу борада қўллаб-қувватловчи ёрдами катта бўлмоқда. Уларнинг иштирокида юздан ортиқ инвестиция ва грант лойиҳаларини амалга ошириш учун 1,1 миллиард доллар дан ортиқ маблағ жалб этилди.

Ажратилган молиявий маблағлар билан бирга, биринчи навбатда, илғор агросаноат технологияларини жалб этиш, қишлоқ хужалиги инфратузилмаси, ирригация ва мелиорация тизимларини ривожлантириш ва реконструкция қилиш, маркетинг ва жаҳон бозорларига чиқиш бўйича янги технологияларни жорий қилиш борасида қўллаб-қувватловчи амалий ёрдам ва хўмкорлик қилмоқда.

Ўзбекистон ва Осиё тараққиёт банки уртасида жадал ривожланиб бораётган, қишлоқ хужалиги соҳдсининг узида умумий қиймати 400 миллион доллардан зиёд олтита лойиҳднн амалга ошириш имконини берган хўмкорлик мавжуд.

Хўмкорликнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири ирригация тизимларини модернизация қилишга қаратилган лойиҳалардир.

Утган йили Осиё тараққиёт банки, Япония халқаро хўмкорлик агентлиги билан хўмкорликда Аму-Бухоро машина каналини қайта тиклаш лойиҳдсини амалга оширишни бошланди. Унинг доирасида 1,8 миллиондан зиёд одам истикомат қилаётган 315 минг гектар майдонни сув билан таъминлайдиган ирригация инфратузилмаси реконструкция ва модернизация қилинади.

Қишлоқ хужалиги соҳдсини ривожлантиришда Жаҳон банкининг иштироки тобора кенгайиб бормоқда. Умумий қиймати 380 миллион доллар булган 8 та лойиҳд амалга оширилди, жорий йилда яна умумий қиймати 450 миллион долларлик иккита лойиҳднн хдётга татбиқ этиш режалаштирилмоқда.

Жанубий Қорақалпоғистонда узок муддатли имтиёзли кредитлар ҳисобидан сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш бўйича 260 миллион долларлик йирик лойиҳднн амалга оширишга қилишилмоқда.

Мазкур лойиҳа доирасида яроксиз ҳолга қилиб қолган 30 минг гектар ерни қайта тиклаш режалаштирилмоқда. Қелгусида бу майдонларда диверсификациялашган ва юкори даражада механизациялашган озик-овқат маҳсулотлари етиштириш мулжалланмоқда.

Жаҳон банки билан хўмкорликда мамлакатимизнинг еттита вилоятида амалга оширилаётган, боғдорчилик ва сабзавотчиликни комплекс модернизация қилишга қаратилган, умумий қиймати 200 миллион доллар булган лойиҳд катта истикболга эга

булиб, унинг доирасида уруғчилиқ усимликлар селекцияси ва муҳофазаси соҳдсидаги илмий-тадқиқот салоҳиятимизни модернизация қилиш ва ошириш, шунингдек замонавий агротехнологиялар йуналишида сармоялар киритиш мақсадида фермер хўжаликлари ва кичик бизнес субъектлари учун кредит линияларини очиш кузда тутилмоқда.

Мазкур лойиҳднинг истикболли ва янгилиги БМТ қошидаги Глобал экологик фонднинг эътиборини тортгани, фонд томонидан фермер хўжаликларида илгор технологияларни жорий этиш ва янги замонавий ускуналарни харид қилишга қаратилган 13 миллион долларлик грант тақдим этилгани қувонарлидир.

Ислом тараққиёт банки билан ҳамкорликда Хоразм, Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг ирригация тизимларини қайта тиклаш бўйича умумий қиймати 143 миллион доллар бўлган иккита лойиҳд амалга оширилмоқда, шунингдек Сурхондарё вилоятида сув ресурсларини бошқаришни яхшилашга қаратилган лойиҳдни тайёрлашга киришилди.

Хорижий шериклар билан биргаликда ташкил этилган, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш билан шугулланадиган агросаноат корхоналари иқтисодиётимизда тобора катта урин эгаллаб бормоқда.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳдсида бугунги кунгача Германия, Голландия, Австрия, АКДШ, Швейцария, Хитой, Жанубий Корея, Италия, Испания каби 50 та мамлакатдан тугридан-тугри хорижий инвестициялар жалб этилган ҳолда, 400 га яқин корхона ташкил этилди. Бу корхоналар янги маҳсулот етиштиришдан тортиб маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш асосида тайёр озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришгача бўлган йуналишларда фаолият олиб бормоқда.

Ана шу корхоналарда ута юкори ҳдроратда ишлов бериш, асептик усулда консервлалаш, музлатиш ва сунъий қуриштиш усуллари тулик узлаштирилган. 2013-йилнинг узида бу корхоналар томонидан қиймати 800 миллион доллардан ортик бўлган маҳсулот ишлаб чиқарилди, жумладан, 200 миллион доллардан зиёд маҳсулот экспорт қилинди.

Яқин йилларда мева-сабзавот хомашёсини қайта ишлаш ва унга ишлов бериш бўйича умумий қиймати 150 миллион долларга яқин бўлган 265 та инвестиция лойиҳдсини қушимча равишда амалга ошириш кузда тутилган. Бу соҳдга киритилган сармоялар қуп харажатни талаб этмаслиги, шу билан бирга, 1,5-4-йил ичида узини қоплаши билан эътиборлидир.

3.3. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Эркин бозор иқтисодиёти босқичма-босқич шакллантирилаётган Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаларини ривожлантириш мақсадида инвестициялар сарфланиши объектив зарурият ҳисобланади. Фермер хўжаликларини устувор шаклда ривожлантириш учун унинг моддий-техника базасини мустаҳкам равишда барпо этиш зарур. Бунинг учун уни замонавий бино-иншоотлар, барча турдаги зарур техникалар, қишлоқ хўжалик механизмлари, ички ирригация ва мелиорация иншоотлари, серунум, тезпишар навлар, зотли, маҳсулдор ҳайвонлар ҳамда айланма воситалар ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш лозим.

Фермер хўжаликларига жалб қилинган маблағларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- қишлоқ хўжалиги учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;
- ҳамкорлардан олинадиган маблағлар;
- турли хил қарзлар, шу жумладан, тижорат банкларидан олинадиган кредитлар;
- хўжалик аъзоларининг бўш ётган маблағларини жалб этиш;
- хорижий, давлат корхоналари ҳамда шахсий корхоналар ва фуқароларнинг маблағлари;

Бунинг натижасида фермер хўжаликларини ривожланиши қишлоқ хўжалик тармоғини юксалишига, ишлаб чиқариш салоҳияти, экспортбоб импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар яратитилиши билан давлат ЯМДни ортишига салмоқли ҳисса қўшади.

Ҳозирги даврда инвестицион маблағлар янги, самарали технологияга ҳамда интеллектуал мулкни барпо этишга ҳам сарфланиши мақсадга мувофиқдир.

Шуларни эътиборга олган ҳолда республикада барқарор инвестицион сиёсат ишлаб чиқилган. У мамлакатда «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги (1998й) қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилмоқда.

Инвестициялар мақсад ҳамда вазифаларига кўра, қуйидаги турларга бўлинади:

- капитал инвестициялар;
- инновацион инвестициялар;
- ижтимоий инвестициялар.

Демак, инвестиция маблағлари фермер хўжаликларини доимий ва ўзгарувчан капитални ҳамда интеллектни барпо этиш ва уларни ривожлантириш ҳамда юксалтириш учун сарфланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида инвестицион сиёсатни шакллантиришда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш керак:

- тендер асосида рақобатбардош лойиҳаларни танлашга. Бу қишлоқ хўжалигида инвестицион лойиҳалар бозори барпо этилишини таъминлайди;
- қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган инвестицияларнинг иқтисодий жиҳатдан асосланганлигига. Қишлоқ хўжалиги табиий-иқтисодий омилларининг хусусиятлари реал ҳисобга олинган ҳолда иқтисодий-ижтимоий натижалари аниқланган бўлиши зарур. Чунки, аксарият ҳолларда лойиҳада белгиланган маблағлар кўзда тутилган тадбирларни бажариш учун етмайди, оқибатда кўзланган мақсадга эришилмайди. Бу ҳол инвестицион лойиҳалар узок муддатга чўзилишига олиб келади;
- чет эл инвесторларини ва уларнинг инвестицияларини қишлоқ хўжалигига жалб этишга. Бунинг учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилаётган барча маҳсулотларга бўлган шахсий ва хусусий мулкчиликни ривожлантириш лозим.

Барча омилларни эътиборга олган ҳолда сарфланадиган инвестициялар фермер хўжаликларинг мустаҳкам моддий-техника базасини барпо этиш билан ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ортиради.

Фермер хўжаликларига жалб этилган инвестициялардаги ўзгаришлар жами талабга етарлича таъсир кўрсатади, шунингдек аҳолининг бандлиги ва ялпи миллий даромад (ЯМД) ҳажмининг ҳам ўзгаришини таъминлайди.

Иккинчидан, инвестициялар корхонанинг асосий фондлари жамғарилишига, яъни кўпайишига олиб келади. Бунда ишлаб чиқариш кучларини кенгайтиришга

сарф қилинган пул маблағлари бошланғич босқичда корхона фаолияти натижаларига таъсир этмаслиги мумкин, лекин келажакда иқтисодий ўсиш учун зарур базани яратади.

Барча манбалардан шаклланаётган инвестиция маблағларини фермер хўжаликларида қуйидагиларга сарфлаш мақсадга мувофиқдир:

- фойдаланилаётган ерларнинг унумдорлиги юксалишини таъминлайдиган тадбирлар мажмуасини бажаришга;
- янги ерларни комплекс ўзлаштиришга;
- тармоқда фан ва самарали технологияларни ривожлантиришга;
- ирригация, мелиорация шахобчаларини қуришга, мавжудларининг ишга яроқлилигини таъминлаш мақсадида таъмирлашга;
- янги, самарали тракторларни, машиналарни, комбайнларни сотиб олиш ва мавжудларини таъмирлашга;
- ишлаб чиқариш бино-иншоотларини қуришга, мавжудларини таъмирлашга;
- кўп йиллик дарахтзорлар, боғзор, токзорлар яратишга;
- сермахсул чорва ҳайвонларини талаб даражасида кўпайтиришга;
- тармоқни барча ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлашга;
- меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқариш, интеллектуал мулкни ривожлантиришга;
- ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга ва бошқаларга.

Барча йўналишлар бўйича фермер хўжалигига сарфланаётган инвестиция (капитал қўйилма) ларнинг мақсадга мувофиқ йўналтирилиши билан юқори самарадорликка ва фермер хўжаликларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилиш имконияти ортиши кузатилади.

Хулоса ва таклифлар

Хозирги кунда республикамиз ташқи савдо айланмасининг учдан бир қисми хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар хиссасига тугри келмоқда ва уларнинг экспорт ҳажмидаги улуши ўтган йили 60 фоизни ташкил этди.

Инвестициялар замонавий техника ва технологиялар билан қуролланиш, илмий техник, ишлаб чиқариш ва ақлий имкониятларини тиклашнинг асосий воситадир. Айнан хорижий инвестициялар орқали миллий иқтисодиёт жонланиб, ишлаб чиқаришда замонавий рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришга ихтисослашиб борилади. Бу эса ўз навбатида янги иш ўринларининг очилиши ва мамлакатдаги мавжуд иқтисодий ва ижтимоий муаммоларининг ҳал бўлишига олиб келади.

Жаҳон тажрибасини кўрсатишича, мамлакат иқтисодиётида хорижий инвестицияларнинг тутган ўрни, салмоғи мазкур давлатдаги инвестицион муҳитнинг қанчалик қулайлигини белгилайди. Бу муҳит кўп жihatдан хорижий инвестицияларга нисбатан давлат олиб бораётган сиёсатини ва ташқи иқтисодий фаолиятининг давлат томонидан тартибга солишининг хусусиятлари билан баҳоланади.

Қишлоқ хужалик корхоналарига чет эл инвестицияларини жалб этишда "Чет эл инвестициялари тугрисида"ги Қонун ҳам асосий ҳукукий база таркибига киради. Ушбу Қонун 22 та моддадан иборат бўлиб, унинг асосий вазифаларига чет эл инвестициялари кириб келишини рағбатлантириш йули билан Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантириш ва унинг жаҳон тизимида қушилишига кумаклашиш ва чет элнинг молиявий, моддий, интеллектуал ва бошқа ресурсларини, замонавий хорижий технологияларни ва бошқарув тажрибаси жалб этиш ҳдмда улар дан оқилона фойдаланиш (1 - модда) киради.

Инвестициялар (капитал қўйилмалар) қишлоқ хўжалигининг ҳар томонлама ривожланишини таъминлайди. Чунки улар эвазига тармоқнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланади. Улардан тўлиқ ва самарали фойдаланиш натижасида жонли меҳнат харажатлари қисқариб, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб, сифати яхшиланади. Бу ҳол қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаб янада яхшироқ қондирилишини таъминлайди. Шу билан биргаликда соф фойда суммаси кўпаяди. Натижада қишлоқ хўжалигини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш асосида ривожлантириш имконияти туғилади. Аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи янада юксалади. Булар инвестициялар, капитал қўйилмаларнинг ижтимоий ҳамда иқтисодий самарадорлиги мавжудлигидан далолат беради.

Чет эллик инвесторлар асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, шунингдек, чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад республика ҳудудида чет эл инвестициялари ҳисобланади.

Улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

–республика қишлоқ хўжалигидаги юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг Устав жамғармаларида ва бошқа мол-мулкида улуш қўшиб қатнашиш;

–тармоқда чет эллик инвесторларга тўлиқ қарашли бўлган хўжалик жамиятлари ва ширкатлари, банк, суғурта ва бошқа корхоналарни барпо этиш ва ривожлантириш;

–мол-мулк, акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан эмиссия қилинган қарз маблағларини сотиб олиш;

–интеллектуал мулкка, шу жумладан, муаллифлик ҳуқуқлари, патентлар, фирма номлари ва ноу-хауларга, шунингдек, ишчанлик нуфузига (гудвиллга) ҳуқуқлар киритиш ва бошқалар.

Уларни чет давлатлар ёки бу давлатларнинг қуйидаги ҳудудий органлари амалга оширадилар:

–давлатлараро битимлар ёки бошқа шартномаларга мувофиқ ташкил топган ёки халқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари бўлган халқаро ташкилотлар;

–чет давлатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил топган ва фаолият кўрсатиб келаётган юридик шахслар, ширкатлар, уюшма ва ташкилотлар;

–чет эл фуқаролари бўлмиш жисмоний шахслар ва бошқалар.

Чет эл инвесторлари инвестициялари Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги (1998 й) қонуни талаблари асосида амалга оширилади.

Ривожланган мамлакатларнинг тажрибаларида назар ташлайдиган бўлсак, иқтисодий хусусан, аграр тармоқни барқарор ривожланишида кўп жиҳатдан инвестиция бозорини барқарор ривожланганлиги муҳим аҳамият касб этади. Қайд этиш керакки, иқтисодийнинг реал тармоқларига, шу жумладан қишлоқ хўжалигига капитал қўйилмаларни жалб этишда давлат томонидан қўллаб-қувватланиши уларни тартибга солиш иқтисодий хусусиятга эга ҳисобланади.

Агар даромадларни қайта тақсимлаш орқали фермер хўжалигининг инвестиция жамғармасини ташкил этувчи даромадларнинг минимал даражасини ҳосил қилиш имконияти туғилса, нархлар даражасини ушлаб туриш, яъни нарх – наво сиёсати воситасида фермер даромадининг ошиши қўллаб – қувватланади, шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бозордаги таклифи ошади. Ресурслар тақсимидаги давлат сиёсати қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларига капитал бозорида уларга мақбул шартларда иштирок этишнинг макроиқтисодий шароитларини яратиб беради. Бунда давлат фонд бозори институтларининг фаолиятини бошқаришдан тортиб заҳира – омбор масалалари ва бошқалар юзасидан иш олиб боришгача бўлган амалларни бажаради. Турли манбалардаги маълумотларга таяниб, аграр соҳадаги инвестиция фаолиятини бошқаришнинг қуйидаги АҚШ моделини ажратиш мумкин.

Аграр соҳадаги инвестиция фаолиятини бошқаришнинг Америка модели АҚШ ва Канада давлатлари учун хос бўлиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларни қўллаб – қувватлашда улар учун энг мақбул шарт – шароитларни таъминлаш концепциясига асосланган. Масалан, АҚШ федерал бюджетидан қишлоқ хўжалигига ажратиладиган ажратмалар тўғридан – тўғри пул тўлови кўринишида амалга оширилади: имтиёзли кредитлар, фермерларга

инвестициялар учун солиқ имтиёзлари, кредит қайтариш муддатларини узайтириш ва бошқалар. Бунда давлат кредитлаш системаси фермерларга тижорат банклари ва суғурта компаниялари томонидан берилган жами ссудаларнинг ярмидан кўпроқ қисмини эгаллайди.

Қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиши тармоқда мавжуд бўлган ишлаб чиқариш воситалари оқилона тарзда такрор ишлаб чиқарилишини талаб этади. Бу жараён ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш, қайта таъмирлаш, куриш, инновацион ҳамда ижтимоий муносабатлар йиғиндисидан ташкил топади.

Барча инвестициялар (капитал қўйилмалар) қуйидаги йирик иккита манбадан шакллантирилиб, амалга оширилади:

- корхонанинг ўз маблағларидан;
- четдан жалб қилинган маблағлардан.

Корхонанинг ўз маблағларига қуйидагилар киради:

- корхонанинг соф фойдасидан ажратилаётган маблағлар;
 - амортизация фондидаги маблағлар;
- асосий воситаларни тугатишдан, сотишдан келиб тушган маблағлар;
 - уларни ижарага беришдан тушган маблағлар;

Юқоридагилардан ташқари, қишлоқ хўжалиги корхоналари учун капитал қўйилмалар манбаи чорва ҳайвонларини сотишдан тушган маблағлар, Устав фондини кўпайтириш учун қилинган ажратмалар ҳам ҳисобланади.

Четдан жалб қилинган маблағлар эса:

- қишлоқ хўжалиги учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;
- ҳамкорлардан олинadиган маблағлар;
- турли хил қарзлар, шу жумладан, тижорат банкларидан олинadиган кредитлар;
- хўжалик аъзоларининг бўш ётган маблағларини жалб этиш;
- хорижий, давлат корхоналари ҳамда шахсий корхоналар ва фуқароларнинг маблағлари;
- хайрия фондларидан, ҳомийлар ажратаётган маблағлари ва бошқалар.

Қишлоқ хўжалигида сарфланган инвестициялар (капитал қўйилмалар) доимо ҳам фойда суммаси ошишини таъминламайди, бўлки ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ёки маҳсулот етиштириш учун қилинган Ўртача харажатлар (маҳсулот таннарни) камайишига ҳам олиб келади. Шундай ҳолларда уларнинг иқтисодий самарадорлик даражаси тежалган маблағ қийматини сарфланган капитал қўйилма суммасига тақсимлаб ҳам аниқланади

Ички ва ташқи бозорнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабини қондириш энг долзарб муаммодир. Уни ҳал этиш учун инвестиция (капитал қўйилма)ларни сарфлаш зарур. Бунинг учун эса сиёсий, минтақавий, иқтисодий ҳамда ижтимоий барқарорликни таъминлаш даркор. Республикада бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш даврида юқорида таъкидланган шароитлар яратилмоқда.

Республикада сиёсий-иқтисодий барқарорлик қишлоқ хўжалигига инвестициялар жалб этилишига имконият бермоқда. Унинг ривожланишини таъминлаш мақсадида инвестицион сиёсатнинг ҳуқуқий асослари ҳам барпо этилган. Уларнинг мавжудлиги сўнгги йилларда тармоққа маълум миқдорда инвестиция (капитал қўйилма)лар сарфланишини таъминламоқда

Келажакда кишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини талаб даражасида барпо этиш, меҳнат ресурсларининг билимларини, малакаларини, тажрибаларини ошириш учун инвестиция (капитал қўйилма)лар сарфлашни давом эттириш керак. Кишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун, аввало, давлат ҳамда маҳаллий бюджетлардан ажратилаётган инвестицион маблағларни ўз вақтида олишга эришиш керак. Шу билан бирга тармок, корхоналар иқтисодиётини юксалтириш натижасида уларнинг фаолиятини келажакда инвестициялаш учун кўпроқ маблағ ажратилишини таъминлашга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Бунда корхоналар ихтиёридаги фондларнинг маблағларини ҳам оқилона сарфлашга ҳаракат қилиш керак. Чунки улар инвестициялар қўламини кенгайтиришнинг реал манбалари ҳисобланади.

Мамлакатимизда ҳар йили 16 миллион тоннага яқин мева ва сабзавот етиштирилмоқда. Аҳоли жон бошига қарийб 300 килограмм сабзавот, 75 килограмм картошка ва 44 килограмм узум туғри келмоқда. Бу оптимал, яъни макбул деб ҳисобланадиган истеъмол меъёридан уч баробар кўпдир.

Хозирги вақтда умумий қиймати қарийб 5 миллиард доллар булган озиқ-овқат, биринчи навбатда, мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилинмоқда. Сунгги уч йилда экспорт қилинаётган кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 3 баробардан зиёд ошди.

Мамлакатимизнинг маҳсулот етказиб берадиган корхоналари халқаро кургазма ва ихтисослаштирилган ярмаркаларда фаол иштирок этмоқда. Биз дунёнинг 80 та давлатига 180 тур дан ортиқ сархил мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотларни экспорт қилмоқдамиз. Ўзбекистон уриҚ олхури, узум, ёнгоҚ қарам ва бошқа қўлаб мева ва сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми бўйича дунёда шундай маҳсулотларни етказиб берадиган унта етакчи давлат қаторига қиради.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда аграр соҳада инвестициялар олиб қилишнинг тулиқ ҳуқуқий асослари мавжуд.

Ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш қўйидаги йўналишларда олиб қилиниши мумкин:

- инвестиция фаолиятини тартибга солишда давлатнинг ролини янада ошириш;
- чет эл инвесторларига қўлай инвестиция муҳитини яратиш;
- кишлоқ хўжалиги тизимидаги сугурталаш амалиётини изчиллаштириш;
- инкироз давридаги ҳолат учун махсус молия - солиқ муносабатларида енгилликлар яратиш ва бопшлар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган қонунлар, меъёрий ҳужжатлар ва Президент асаларлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2011. –40 б.
2. «Кооперация тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1993 й.
3. «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 30.04.1998й. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари. -Т.: -Адолат, 1999. -77-97 б.
4. «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. -Т.: -Адолат. 1999. -98-115 б.
5. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва Қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари. -Т.: -Адолат. 1999. -98-115 б.
6. «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари. -Т.: -Адолат. -1999. -117 б.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 18 июль, 363-сон «Республика мева-сабзавот хўжалигида монополиядан чиқариш ва ихтисослаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори.
8. «Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳамда мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 1997 йил. март.
9. «Иқтисодий ислохотларини янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.01.1994 й. ПФ-745 сонли фармони ва унга иловалар. Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари 8-19 б.
10. «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3342 сонли фармони. 2003 йил 27 октябр, Ўзбекистон Республикаси Қонунлар тўплами. -2003. -№ 20.
11. «Тугридан-тугри хусусий чет эл инвестицияларини жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тугрисида»ги
12. «Тугридан-тугри хусусий чет эл инвестицияларини жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тугрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-3709-сон Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-255-сонли қарори.
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли "2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори.
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги 607-сонли "2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори.
17. «Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 1994 йил 23 феврал. «Халқ сўзи» газетаси 1994 йил 24 феврал.

18. «Республика қишлоқ хўжалиги қорхоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24-сонли қарори. 13.01.1997 й.
19. «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига контракция шартномаларини тузиш ва бажариш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 438-сонли қарори. 28.08.1994 й.
20. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 мартдаги «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги ва «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини амалга ошириш муддатлари ва чора-тадбирлари тўғрисидаги 300-сонли қарори. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. 1-қисм. Т.: «Шарқ» 1998, 377-382 б.
21. **Каримов И.А.** Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
22. **Каримов И.А.** Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
23. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. // Халқ сўзи. 16 январь, 2016 йил
24. **Каримов И.А.** Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009.
25. **Каримов И.А.** Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.
26. **Каримов И.А.** Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигиниянада юксалтиришдир. –Т.: Ўзбекистон, 2010. -80 б.
27. Каримов И.А. Мамлакатимизда ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010.
28. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.
29. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. –Т.: Ўзбекистон, 2011.
30. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т.: Ўзбекистон, 2011.
31. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
32. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2012.
33. Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиз. –Т.: Ўзбекистон, 2012.
34. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2013.
35. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш –энг олий саодатдир. –Т.: Ўзбекистон, 2015.

2. Илмий адабиётлар ва манбалар

36. Хусанов Р.Х. «Аграрная реформа: теория, практика, проблема» -Т.: Узбекистан, 1994. -72 б.

37. Анимица Е.Г., Ротнер Н.М. Всемирное хозяйство: закономерности формирования и развития: курс лекций, Екатеринбург, 1994. 153 б.
38. Отобоев.М., Эшонкулов.А. Ўзбекистоннинг мева-сабзавот комплекси. Муаммо, тажриба ва ечимлар. –Т.: -Меҳнат. 1991. –14-15 б.
39. Буздалов И.Н. Кооперация и рынок // Экономика сельского хозяйства. 1996. №7.
40. Газибеков Д.Г., Ангелиди М.С. «Инвестиционная деятельность перед вхождением в рыночную экономику». РЦНТИ. Узинфорагропром. -Т.: 1991.
41. Газибеков Д.Г. «Как привлекать иностраннѣе инвестиции». Экономика и жизнь. № 8-1991.
42. Газибеков Д.Г. Кдралиев Т.М. «Инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва давлат томонидан тартибга солиш». -Т.: 1993.
43. Газибеков Д.Г. «Инвестицияларни молиялаштириш масалалари» -Т.: 2003.
44. Дадобоев.Т., Рахматуллаев Б. Боғдорчиликда агрофирмалар фаолияти. // Ж. Ўзбекистон кишлок хўжалиги. –2006. -№ 8. –Б.
45. Собиров А. Ўзбекистон Республикасига хорижлик инвесторларни жалб қилиш шакллари. /Иқтисодиѣт ва таълим, 2011 й., 5-сон.
46. Султонов.Б., Дадобоев.Т. Маҳсулотларни сотиш тизими. // Ж. Ўзбекистон кишлок хўжалиги. – 2006. -№9. –Б. 11.
47. Инвестиционнѣе проектѣ Республики Узбекистан –Т.: 1994.
48. Коваленко Ю. Предпосѣлки и пути перехода предприятий АПК к рыночнѣм отношениям. // АПК: экономика и управление, 1990. №9. 40-46 б.
49. Маматов М. Миллий иқтисодиѣтга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари./ Иқтисодиѣт ва таълим. 2011 йил, 4-сон.
50. Маҳмудов Н.М, Маджидов Ш.А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010.
51. Минасов М. Стратегия устойчивого развития агропромѣшленного комплекса. // АПК: Экономика и управление, 2004 №9. 7 б.
52. Пошкус Б. Сельскохозяйственная кооперация в условиях многоукладной экономики АПК. // АПК: Экономика и управление, 1996. №8. 22-24 б.
53. Селезнев А., Уваров В. Сельскохозяйственная кооперация //АПК: Экономика и управление. 1996. №8.
54. Фаттахова Ж., Юсупов М. «Инвестиционная деятельность в Узбекистане за 1991-1995 годѣ» Рынок, деньги и кредит. №4-1997 год, 12-17 стр.
55. Фролов В.И. Новая модель интеграции в действии. Экономика сельскохозяйственнѣх и перерабатѣвающих предприятий. 2000. №1. 46-48 б.
56. Юлдашев Р.З. Инвестиционное обеспечение приватизированнѣх предприятий в Узбекистане: управленческий аспект. Монография. – Т.: Иқтисодиѣт, 2009.
57. Юсупов М. «Инвестициялар ва Ўзбекистон иқтисодини ѣсиши» Бозор, пул ва кредит. № 5. 1998. 22-бет.
58. Эргашев И. Хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион жозибадорликни оширишнинг иқтисодий аҳамияти ва омиллари. / Иқтисодиѣт ва таълим. 2011 йил, 2-сон.

3. Статистик маълумотлар

59. Наманган вилоятининг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши // Статистик тўплам. 2011.
60. Наманган вилоятининг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши // Статистик тўплам. 2011.
61. Уйчи тумани Паспорти.

4. Интернет материаллари

62. www.stat.uz. - Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасининг расмий сайти.
63. www.ccep.uz.- Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиѣт Вазирлиги ҳузуридаги Самарали иқтисодий сиѣсат маркази расмий сайти.
64. www.bearingpoint.uz.- USAID Bearingpoint Uzbekistan Economic Reform.

65. www.internetindicators.com.- Иқтисодий индикаторлар интернет веб-сайти.
66. www.management.ru.- официальный сайт Российской компании «Консалтинговая группа МД».